



# MILLIY TIKLANISH

47 (368) ● 2015 йил 2 декабрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси  
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Партиянинг "Банк кредитлари — хунармандларга" лойиҳаси доирасида 11 миллиард 119 миллион сўм кредит ажратилди

ЎзМТДП фракцияси аъзолари мамлакатимиз бўйлаб сайловчилар билан юзма-юз мулоқотда бўлиб қайтди

Халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи саъй-ҳаракатлари билан ҳудудда экологик муҳит яхшиланмоқда

**Фракция ҳаёти**

## Оқилона сарф-харажат — самарали натижалар омили

ЎзМТДП фракцияси Давлат бюджетининг 2015 йил 9 ойидаги ижросини қизгин муҳокама қилди

Жорий йилнинг 9 ойи якунларига кўра, мамлакат ялли ички маҳсулотининг ўсиши 8 фоизни ташкил этди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 7,3, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,6, капитал қурилиш 18,7, чакана савдо айланмаси 15, хизматлар ҳажми 12,9 фоизга ошди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ошмади. Бунда макроиқтисодий барқарорлик янада мустаҳкамланиб, ташиқ савдо айланмасининг ижобий сальдоси кузатилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракциясининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йил тўққиз ойидаги ижросига бағишланган йиғилишида шу ҳақда сўз борди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона сиёсат, амалга оширилаётган изчил ислохотлар барча соҳа ва тармоқларда ижобий кўрсаткичларга эришишимизда муҳим омили бўлаётди.

ЎзМТДП фракцияси раҳбари С.Отамуратов бошқарган йиғилишда Ўзбекистон молия вазирининг биринчи ўринбосари Баҳром Юсупов жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида Давлат бюджети ҳамда давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилган чора-тадбирлар хусусида ахборот берди.

> 4-бет.



**Рамиз УСМОНОВ,**  
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти, Ўзбекистон халқ артисти:

— Тинчлик ва осойишталик барқарор юртдагина санъат гуллаб-яшнайдди. Юртимизда ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилаётган танлов ва фестиваллар, ижодий лойиҳалар ёшларнинг санъатга бўлган меҳрини юксалтириш, миллий ва жаҳон мусиқа санъатининг энг нодир намуналаридан баҳраманд бўлишда муҳим омили бўлмоқда.

Мен "Миллий тикланиш"ни танладим. Сиз-чи?

**Сайловчилар ҳузурида**



## Аҳоли манфаати — устувор вазифа

бу юзма-юз учрашув ва мулоқотларнинг асосий мавзусига айланди

Аввал хабар берилганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлар ўзлари сайланган округларида сайловчилар билан учрашиб, юзма-юз мулоқотда бўлдилар. Эл-юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлаш, эркин фуқаролик жамиятини қарор топтириш, демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани, бу жараёндан ҳеч бир фуқаро четда қолмаслиги, мамлакатимизда тарихан қисқа муддатда эришилган ютуқлар, шунингдек, Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишларига доир фаолияти бундай учрашувларнинг бош мавзусига айланди.

Шу билан бирга, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида амалга оширилаётган ишлар, партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш, сайловчиларнинг мурожа-

ат ва саволлари асосида соҳалардаги айрим масалаларни ижобий ҳал этишга кўмаклашиш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари билан ҳамкорликни кучайтириш масала-

лари депутатлар диққат марказида бўлди. Бу галги учрашувлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллиги арафасида ўтгани диққатга сазовор. Бош қомусимиз мазмун-моҳияти, юртимиз тараққиётида тугган ўрни, унинг барча соҳада эришилган ютуқ ва марраларимиз асоси экани учрашувларда кенг тарғиб этилди. Сайловчиларнинг мамлакатимиз Конституцияси миллий ва умуминсоний қадриятлар, инсонпарвар гоёлар асосида ишлаб чиқилгани, бугунги фаровон ҳаётимизга асос бўлаётгани ҳақида билдирган фикр-мулоҳазалари мулоқотларга янада қизғинлик бағишлади.

> 2-бет.

**Сана**

Мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишга йўналтирилган демократик ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Халқимизнинг фаровон ҳаёт кечирishi, ёшларни юксак маънавиятли, баркамол инсонлар этиб вояга етказиш борасидаги изчил саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераётди. Бу жараёнда Конституциямиз барча бунёдкорлик ишларининг ҳуқуқий негизи, тамал тоши бўлиб хизмат қилмоқда.

## Умуминсоний ва миллий қадриятлар уйғунлиги

Асосий қонунимиз пойдевори

Зеро, Асосий қонунимиз юртимиз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, ҳеч кимдан кам бўлмаган муносиб ҳаёт ва турмуш шароитларининг яратилишига кенг имкон ва қаролат берди.

Бош қомусимиз ва унинг асосида қабул қилинган миллий қонунчилигимиз таҳлили улар умуминсоний ҳамда халқимизнинг асрлар давомида сайқалланиб келаётган тарихий, миллий, ҳуқуқий ва маънавий қадриятларининг уйғун ва ҳамоҳанглиги асосида яратилганидан далolat беради. Конституциямизнинг муқаддимасидан тортиб барча моддасида умуминсоний принциплар доирасида миллий урф-одат ва анъаналар, бой маънавий-маданий меросимиз уйғунлиги лўнда, аниқ ва барчага тушунарли тарзда ифодаланганини эътироф этиш жоиз.

> 4-бет.

**Ташаббус натижа берди**

## Атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш

борасида халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи сессияга масала киритди

Ватанимиз тараққиёти, халқимизнинг турмуш даражаси ва саломатлиги, экологик барқарорлик атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашга ҳам боғлиқ. Юртимизда ноёб табиий бойликларни асраб-авайлаш, экологик барқарорликни таъминлаш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг экологик маданиятини юксалтириш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётди. Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида қабул қилинган "Экологик назорат тўғрисида"ги қонун бу жараёнда айна мудио бўлди.

Ушбу қонун ижросини таъминлаш мақсадида жойларда жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш, бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, уй-жойлар, кўчалар тозаллиги, ободонлаштириш ва кўчаларга эриштириш ишларига аҳолининг эътиборини жалб қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларда ЎзМТДПнинг турли даражадаги ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари муносиб иштирок этишга интилаётди.

Ғиждувон туманининг марказий чиқинди йиғиш майдони шундоқкина очик сув ҳавзаси яқинида, яъни "Жилвон" канали ёқасида жойлашган. Улар орасидаги масофа — бор-йўғи 8-10 метр. Канал суви баъзи ҳудудларда пастлаб оқса, айрим жойларда сув ер юзасига ёйилиб чиқади. Канал четларида чиқинди уюмлари "бўй чўзиб тургани", қолаверса, бу ҳудудда Ғиждувон ва Шофиркон туманлари аҳолисини ичимлик суви билан таъминлайдиган ер ости чўчүк сув ҳавзаси жойлашгани, айна пайтда мазкур ҳудудларда истикомат қиладиган аҳолига шу ердан оби ҳаёт бораётганини эътиборга олсак, масала анчайин жиддий.

> 4-бет.

**Ушбу сонда:**

## Миллий ўйинчоқлар фестивали

мустақил юрт хунармандларини чорлади




> 3-бет.

**Рим**

## "марвариди"

Пяцца-делла-Ротонда майдонида жойлашган мазкур иншоот Рим шаҳрининг энг машҳур тарихий объектларидан биридир



> 7-бет.

## "Ўзбекистондек мамлакатда туғилиб, камолга етиш — катта бахт"

дейди Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти Барно ИСМАТУЛЛАЕВА



> 8-бет.



**"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!**

Нашр кўрсаткичи — 158



«Milliy tiklanish» газетасини  
[www.milliytiklanish.uz](http://www.milliytiklanish.uz)  
 сайтида ҳам ўқинг!

Сайловчилар хузурида

# Аҳоли манфаати — устувор вазифа

бу юзма-юз учрашув ва мулоқотларнинг асосий мавзусига айланди

< Давоми.

Бошланиши 1-бетда.

**Хоразм.** Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ҲТМДП фракцияси раҳбари, партия Марказий кенгаши раиси **Сарвар Отамуратов** 108-Хазорасп сайлов округи ҳудудидаги сайловчилар билан юзма-юз учрашувлари давомида мустақиллик йилларида мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда, давлат ва жамият қурилиши, ижтимоий ҳаёт, суд-ҳуқуқ тизими, ташқи сиёсат ва ҳавфсизликни таъминлаш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш борасида амалга оширилган ишлар хусусида тўхтади.

— Мамлакатимизда давлатимиз раҳбари раҳнамолигида ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этилиши, халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтириш, юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга қаратилган туб ислохотлар изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиб келинмоқда, — деди С.Отамуратов Питнак шаҳридаги 6-болалар мусиқа ва санъат мактабида бўлиб ўтган учрашувда. — Барча соҳада замон талабларига мос равишда ўзгариш ва янгиланишлар амалга оширилмоқда. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳаётимизга жорий этилаётган демократик ўзгариш ва ислохотлар натижасида мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни ва

этилиб, галдаги вазифалар белгилаб олинди.

— Бугунги кунда дунё сиёсий ҳаритасида “кайноқ” нукталарнинг ортиб бораётгани барчамизни тинч ва осуда ҳаётимизнинг қадрига етишга, уни асраб-авайлашга ундайди, — дейди Питнак шаҳар “Обод” маҳалласи фаоли Раҳимбой Жуманиёзов. — Депутат Сарвар Отамуратовнинг биз сайловчиларга берган ахборотини тинглар эканмиз, ҲТБШМнинг раҳнамолигида Ватанимиз гуллаб-яшнаши, аҳоли турмуши фаровонлигини юксалтириш йўлидаги изчил саъй-ҳаракатларга хисса қўиши ҳар биримизнинг қалб амримизга айланиши лозимлигига яна бир бор амин бўлдик.

**Тошкент шаҳри.** ҲТМДП фракцияси аъзолари **Илхом Абдуллаев** ҳамда **Азамат Зиё** ўз сайлов округларида сайловчилар билан юзма-юз мулоқотда бўлди. Илхом Абдуллаев Юнусобод туманидаги туризм касб-хунар коллежи ҳамда “Увайсий”, “Нодира”, “Чоштепа” маҳалла фуқаролар йиғинларидаги учрашувларда Қонунчилик палатасида қабул қилинган қонунлар моҳияти, янги қонун лойиҳалари бўйича ахборот берди. Депутат ҳар бир қонун лойиҳаси муҳокамасида депутатлар ўзи сайланган ҳудуднинг табиий хусусиятлари, сайловчилар хоҳиш-истаклари ҳамда партия дастурий мақсадларидан келиб чиқиб

ҲТМДП фракцияси аъзоси **Жамила Ниязова** Нукус шаҳри, Кегейли ва Нукус туманлари сайловчилари билан учрашди. Депутат юзма-юз мулоқотларда ўтган даврда мамлакатимизда қўлга киритилган ютуқлар моҳияти ҳақида тўхтади экан, бу юксак натижаларнинг асосий омил ва мезони, биринчи навбатда, халқимиз, унинг фидокорона меҳнати, одамларнинг дунёқараши ва ижтимоий фаоллиги ортиб бораётгани, юксак маънавияти эканлигини таъкидлади. Ҳар бир инсон Ўзбекистонда бетақдор юрда яшаётганидан фخرланиши, эришилаётган ютуқ ва муваффақиятларда ўз хиссаси борлигини англаб, юксак ирода ва фидойилик билан бундан-да улғувор ишларга қодир эканлигига ишониб яшаш зарурлигини эътироф этди. Юзма-юз мулоқот чоғида сўз олган халқ депутатлари Нукус туман Кенгашига ҲТМДПдан сайланган депутат **Пазил Адил** муҳаллий Кенгаш ва Қонунчилик палатаси депутатларининг ўзаро муносабатларини, ҳамкорлигини янада кучайтириш, бу эса нафақат депутатлар фаолиятида, балки электрорат манфаати йўлида муҳим аҳамият касб этишини қайд этди.

**Наманган.** Наманган вилоятининг турли ҳудудларидаги сайловчилар хузурида бўлган ҲТМДП фракцияси аъзолари **Акmal Раҳмонов**, **Нодиржон Мухторов** ҳамда **Шухрат Тўхтабоев** қўйи палатанинг қонун ижодкорлиги фаолияти ҳамда амалий ишлари хусусида ахборот бериш билан бирга, аҳолини ўйлантираётган масалалар, ҳудудий ижтимоий, иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасидаги ишлар билан танишди. Учрашувлар чоғида ҳудуд ёшлари манфаатларини ҳимоя қилиш, айниқса, касб-хунар коллежи битирувчиларига мувофиқ иш билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, коммунал хўжалиги билан боғлиқ ҳудудга хос масалаларга эътибор қаратилди. Юртимиздаги тинчлик-осойишталикни сақлаш, ёшларни турли мафкуравий таҳдидлардан асраш масаласи ҳам депутатлар ва сайловчиларнинг асосий эътибор марказида бўлди.

— Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси тинчликнинг, осуда ҳаётнинг қадрига етиши, бугунги таҳликали даврда ҳушёр ва сергак бўлиб яшаш лозим, — деди Норин туманида бўлиб ўтган сайловчилар билан учрашувда **Акmal Раҳмонов**. — Президентимиз ҳар бир чиқишида халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини асраш масаласига алоҳида эътибор қаратади. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, узоқ ва яқин мамлакатларда содир бўлаётган турли ноҳуш воқеа-ҳодисалар, нотинч ҳолатлар, халқроқ тероризм, экстремизм, наркотрафик каби ҳавф-хатарлар тобора кучайиб бораётгани, айниқса, ёш авлод вакилларини нотўғри йўлларга оғдиришга қаратилган ҳатти-ҳаракатлар, ҳар биримизни бугунги мураккаб замонда доимо оғоҳ ва ҳушёр яшашимиз даркорлигини англайди. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, бизга тинчлик керак, бизга омонлик керак!

Депутатнинг жонқуярлик билан айтган сўзлари сайловчиларни беъэътибор қолдирмади. Улар бу борада ўз фикрларини, муносабатини билдириб, муносибатини билдириб, ҳушёрлик, оғоҳлик — давр талаби эканлигини бир овоздан маъқуллаб, мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий юксалишида, халқимиз фаровонлигини мунтазам ошиб бораётганида юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, тотувлик ва ҳамжихатлик муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

**Самарқанд.** Нарпай туманидаги 32, 35-умумтаълим мактабларида ҳамда қатор маҳалла ҳудудларидаги сайловчилар

билан юзма-юз мулоқотда бўлган ҲТМДП фракцияси аъзоси **Азамат Пардаев** ҲТМДП фракцияси ҳамда Қонунчилик палатасининг ўзи аъзо бўлган Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси фаолияти хусусида батафсил маълумот берди.

— Бугунги кунда мамлакатимизда саноат соҳасини ривожлантириш борасида йирик лойиҳа ҳамда дастурларнинг амалиётга татбиқ этилаётгани, иқтисодиётда ишлаб чиқариш турларини кенгайтиришга эътибор қаратилаётгани муҳим аҳамият касб этаётди, — деди Азамат Пардаев сайловчилар билан мулоқот чоғида. — Қонунчилик палатасидаги фаолиятимиз давомида бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида соҳанинг ҳисоботлари эшитилиши ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиб келямиз. Мазкур жараёнда ҲТМДП фракцияси аъзолари партия сайловолди Платформасида белгиланган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни техник ва технология модернизация қилиш, янги, замонавий ускуналарни жорий этишга кўмаклашиш каби мақсад-вазифалардан келиб чиқиб иштираётмоқда. Масалан, қўмида яқинда ўтказган “Ўзбекистонда саноатни диверсификациялаш ва модернизация қилиш” йиғини ҳудудда сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувда ҲТМДП фракцияси аъзоси Шерзод Раҳимов. — Мавжуд моддий ва номоддий маданий мерос объектларини муҳофазат қилиш ва улардан фойдаланишни янги боғичга олиб чиқиш, соҳанинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш долзарб ҳисобланади. Фракциямиз партия дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ўтган даврда Давлат бюджетини тасдиқлаш ва бюджетнинг чораклик, ярим йиллик, йиллик ижрорларига бағишланган фракция ва ялпи йиғилишларда Ўзбекистон халқининг умумий бойлиги бўлиши маданий, археология мероси объектлари, архив фонди, музейлар ашёларини муҳофазат қилиш ва улардан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Сайловчилар ва партия фаоллари депутатни тинглар экан, ҲТМДПнинг маданий мерос объектларини асраб-авайлаш, ёшларни уларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги фаолияти хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини, таклифларини баён этдилар.

**Навоий.** ҲТМДП фракцияси аъзоси **Қозим Тоҳиев** ҳам Навоий шаҳри ҳамда Қармана туманларида бўлиб, сайловчилар ва партия электорати вакиллари билан учрашди. Депутат дастлаб Абдулла Қодирий номидаги ахборот-кутубхона марказида ҳамда Навоий кўчили коллежининг фаоллари билан юзма-юз мулоқотда бўлди. Учрашув доирасида депутат Қонунчилик палатаси томонидан партиянинг дастурий вазифалари ижросини таъминлашда ҳуқуқий асос бўладиган янги қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳияти, мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган юксак эътибор, келажакимиз ворисларини жисмон ва маънавий ривожлантиришга зарар етказадиган ахборот хужжатларидан муҳофазат қилишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлар базасини такомиллаштиришга оид амалга оширилаётган ишлар хусусида ишторчиларга кенг маълумот берди.

— Ёш авлоднинг Ватанга муҳаббат, юрт тақдирига дахлдорлик, миллий ва маънавий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг қал-



ҲТМДП фракцияси аъзолари сайловчилар билан мулоқотда бўлиш

ти, балки фуқаролик жамияти тараққиётида ҳар бир фуқаро иштироки, ҳудуд ривожига кўмак бўлувчи саъй-ҳаракатлар билан боғлиқ масалалар хусусида фикр-мулоҳазалар ва амалий таклифлар билдирдилар. Депутатлар сайловчиларнинг савол ва муносабатларига жавоб бериш билан бирга, ҲТМДПнинг ўз олдига қўйган устувор вазифалари, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, ҳунармандларнинг қўллаб-қувватлаш, тарихий, маданий меросимиз, қадриятларимизни асраб-авайлаш ҳамда кенг тарғиб этиш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар хусусида тўхтади.

— Вилоятимиз ҳудудида жойлашган турли давр ва цивилизацияларга оид меъморчилик ва санъат ёдгорликларининг кўпчилиги давлат муҳофазатига олинган, — деди Фаргона шаҳридаги “Шаршара”, “Ермозор”, “Мададкор”, “Сурхтепа”, “Совурбулок” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувда ҲТМДП фракцияси аъзоси Шерзод Раҳимов. — Мавжуд моддий ва номоддий маданий мерос объектларини муҳофазат қилиш ва улардан фойдаланишни янги боғичга олиб чиқиш, соҳанинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш долзарб ҳисобланади. Фракциямиз партия дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ўтган даврда Давлат бюджетини тасдиқлаш ва бюджетнинг чораклик, ярим йиллик, йиллик ижрорларига бағишланган фракция ва ялпи йиғилишларда Ўзбекистон халқининг умумий бойлиги бўлиши маданий, археология мероси объектлари, архив фонди, музейлар ашёларини муҳофазат қилиш ва улардан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Сайловчилар ва партия фаоллари депутатни тинглар экан, ҲТМДПнинг маданий мерос объектларини асраб-авайлаш, ёшларни уларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги фаолияти хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини, таклифларини баён этдилар.

**Навоий.** ҲТМДП фракцияси аъзоси **Қозим Тоҳиев** ҳам Навоий шаҳри ҳамда Қармана туманларида бўлиб, сайловчилар ва партия электорати вакиллари билан учрашди. Депутат дастлаб Абдулла Қодирий номидаги ахборот-кутубхона марказида ҳамда Навоий кўчили коллежининг фаоллари билан юзма-юз мулоқотда бўлди. Учрашув доирасида депутат Қонунчилик палатаси томонидан партиянинг дастурий вазифалари ижросини таъминлашда ҳуқуқий асос бўладиган янги қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳияти, мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган юксак эътибор, келажакимиз ворисларини жисмон ва маънавий ривожлантиришга зарар етказадиган ахборот хужжатларидан муҳофазат қилишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлар базасини такомиллаштиришга оид амалга оширилаётган ишлар хусусида ишторчиларга кенг маълумот берди.

— Ёш авлоднинг Ватанга муҳаббат, юрт тақдирига дахлдорлик, миллий ва маънавий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг қал-

ти, балки фуқаролик жамияти тараққиётида ҳар бир фуқаро иштироки, ҳудуд ривожига кўмак бўлувчи саъй-ҳаракатлар билан боғлиқ масалалар хусусида фикр-мулоҳазалар ва амалий таклифлар билдирдилар. Депутатлар сайловчиларнинг савол ва муносабатларига жавоб бериш билан бирга, ҲТМДПнинг ўз олдига қўйган устувор вазифалари, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, ҳунармандларнинг қўллаб-қувватлаш, тарихий, маданий меросимиз, қадриятларимизни асраб-авайлаш ҳамда кенг тарғиб этиш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар хусусида тўхтади.

— Вилоятимиз ҳудудида жойлашган турли давр ва цивилизацияларга оид меъморчилик ва санъат ёдгорликларининг кўпчилиги давлат муҳофазатига олинган, — деди Фаргона шаҳридаги “Шаршара”, “Ермозор”, “Мададкор”, “Сурхтепа”, “Совурбулок” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувда ҲТМДП фракцияси аъзоси Шерзод Раҳимов. — Мавжуд моддий ва номоддий маданий мерос объектларини муҳофазат қилиш ва улардан фойдаланишни янги боғичга олиб чиқиш, соҳанинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш долзарб ҳисобланади. Фракциямиз партия дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ўтган даврда Давлат бюджетини тасдиқлаш ва бюджетнинг чораклик, ярим йиллик, йиллик ижрорларига бағишланган фракция ва ялпи йиғилишларда Ўзбекистон халқининг умумий бойлиги бўлиши маданий, археология мероси объектлари, архив фонди, музейлар ашёларини муҳофазат қилиш ва улардан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Сайловчилар ва партия фаоллари депутатни тинглар экан, ҲТМДПнинг маданий мерос объектларини асраб-авайлаш, ёшларни уларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги фаолияти хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини, таклифларини баён этдилар.

**Навоий.** ҲТМДП фракцияси аъзоси **Қозим Тоҳиев** ҳам Навоий шаҳри ҳамда Қармана туманларида бўлиб, сайловчилар ва партия электорати вакиллари билан учрашди. Депутат дастлаб Абдулла Қодирий номидаги ахборот-кутубхона марказида ҳамда Навоий кўчили коллежининг фаоллари билан юзма-юз мулоқотда бўлди. Учрашув доирасида депутат Қонунчилик палатаси томонидан партиянинг дастурий вазифалари ижросини таъминлашда ҳуқуқий асос бўладиган янги қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳияти, мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган юксак эътибор, келажакимиз ворисларини жисмон ва маънавий ривожлантиришга зарар етказадиган ахборот хужжатларидан муҳофазат қилишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлар базасини такомиллаштиришга оид амалга оширилаётган ишлар хусусида ишторчиларга кенг маълумот берди.

— Ёш авлоднинг Ватанга муҳаббат, юрт тақдирига дахлдорлик, миллий ва маънавий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг қал-

ва преференциялар ёш ишбилармонларга ўз бизнесини эркин олиб бориш, янги ишлаб чиқариш ҳамда хизматларни ўзлаштириш, иш ўринлари яратиш имконини бераётгани таъкидланди. Депутатнинг ёшлар фикрини ўрганишга бўлган қизиқиши, уларни яхши ўқиш, касб-хунарларни пухта эгаллашга рағбатлантиришини кўриб, биз ота-оналар ва устоз-мураббийлар ҳам мамнун бўлдик. Ишонч билдириб сайлаган депутатларимизнинг жонқуярлиги, сайловчилар билан ишлаши, электрорат манфаатларини ҳимоя қилишга интилиши партияга бўлган ишончимизни янада оширмоқда.

Шунингдек, депутатнинг Андижон шаҳридаги “Наврўз” маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган юзма-юз мулоқотида ҳам ҳудудда миллий ҳунармандчилик ва халқ амалий санъатини ривожлантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш бу борада партия илгари сураётган лойиҳа ва ташаббуслар ҳақида фикр юритилди.

**Қашқадарё.** “Миллий тикланиш” демократик партиясида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутат этиб сайланган **Дилфуза Жалилова** ҳамда **Ўрол Хайтов**нинг Қашқадарё вилояти сайловчилари билан учрашувлари ҳам сайловчиларнинг фаоллиги остида ўтди.

Чирокчи туманининг Дам қишлоқ фуқаролар йиғинида **Ўрол Хайтов** билан бўлиб ўтган учрашувда депутат ҳудуддаги таълим муассасаларида қурилиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳолати ҳамда таълим соҳасидаги ислохотлар натижаларига эътибор қаратди. Таълим-тарбия соҳасининг яхлит, узлуksиз тизимини мустаҳкамлаш, таълимнинг барча босқичларида биллими, юксак касб тайёргарлигига эга бўлган авлоднинг тарбиялаш жараёнини такомиллаштириш борасида ҳудудларда олиб борилаётган ишлар юзасидан фикрлашилди.

— ҲТМДП фракцияси аъзоси **Дилфуза Жалилова** Қарши шаҳридаги таълим соҳасида депутат таълим соҳасидаги ислохотлар натижаларига эътибор қаратди. Таълим-тарбия соҳасининг яхлит, узлуksиз тизимини мустаҳкамлаш, таълимнинг барча босқичларида биллими, юксак касб тайёргарлигига эга бўлган авлоднинг тарбиялаш жараёнини такомиллаштириш борасида ҳудудларда олиб борилаётган ишлар юзасидан фикрлашилди.

— ҲТМДП фракцияси аъзоси **Дилфуза Жалилова** Қарши шаҳридаги таълим соҳасида депутат таълим соҳасидаги ислохотлар натижаларига эътибор қаратди. Таълим-тарбия соҳасининг яхлит, узлуksиз тизимини мустаҳкамлаш, таълимнинг барча босқичларида биллими, юксак касб тайёргарлигига эга бўлган авлоднинг тарбиялаш жараёнини такомиллаштириш борасида ҳудудларда олиб борилаётган ишлар юзасидан фикрлашилди.

Шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш борасидаги лойиҳа ва дастурлар доирасидаги ишлар, айниқса, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, тиббиёт муассасаларини замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш масалалари ҳам депутатларнинг диққат марказида бўлмоқда. Таъкидлаш лозимки, мустақиллик йилларида қонунларга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар натижасида сиёсий партиялар ва барча даражадаги депутатлик бирлашмаларининг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда уларнинг роли ҳам ошди, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда. Сайлов округига келишдан аввал депутатларга тегишли статистик маълумотлар тақдим этилганлиги ҳудудларда амалга оширилаётган ишлар тўла хабардор бўлиш имконини берди.

**Мухтарома КОМИЛОВА, Илья ДИЛЬМАНОВ, Ўрол Хайтов, Турдибеков, Замра РЎЗИЕВА, Шерзод ҚЎБИЕВ, “Milliy tiklanish” мухбирлари**



мавқеи тобора мустаҳкамланиб, давлатимиз таърихида кенг эътироф этилмоқда. Парламент ислохотлари натижасида бугун давлат ҳокимияти тизимида, ҳаётимизнинг жамиятимизнинг барча жабҳасида Олий Мажлис, қолаверса, жойлардаги вакиллик органларининг роли сезиларли равишда ошиб бораётди. Ҳуқумат, ижро ҳокимияти органларининг мустақиллиги ва ваколатларини кенгайтириш, қабул қилинган қонунларнинг амалиётга татбиқ этилиши ва таъсирчанлигини янада кучайтиришга эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз раванки, халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган мазкур саъй-ҳаракатларда ўзининг ўрни ва позициясига эга Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари фаолияти воситасида самарали хисса қўишга интиляётди. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокама этилаётган ҳар бир қонун лойиҳасига фракциямиз ўз муносабатини, қатор таклифларини бериб, турли соҳалар ривожининг муҳим шарт ва асоси бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар тақомилида фаол иштирок этамоқда.

Депутат ҲТМДП фракциясининг қўйи палата қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолиятидаги иштироки, бу жараёнда партия дастурий мақсад-вазифалари ҳамда электрорат манфаатларидан келиб чиқиб бераётган таклифлари борасида маълумотлар берди. Шунингдек, депутат сайловчилар, партия фаоллари ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатларини иштирокидаги учрашувларда ҳудудга хос масалалар ҳамда амалдаги қонунлар ижроси таъминлашига эътибор қаратди. Электрорат манфаатларини ҳимоя қилишда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар амалга ошираётган ишлар таҳлил

ёндашишга алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлади. — Парламент қўйи палатасидаги вакилимиз билан учрашув давомида қатор янги қонун лойиҳалари хусусида маълумотга эга бўлдик, — дейди ТАТУ талабаси Наргиза Матқурбонова. — Хусусан, электрон ҳуқуқат соҳасини такомиллаштиришга қаратилган “Электрон ҳуқуқат тўғрисида”ги қонун лойиҳаси мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳақида атрафлиқча тушунчалар олдим. Узим ахборот-коммуникация соҳасига қизиққаным учун депутатга маълумот берди. — Президентимиз ҳар бир чиқишида халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини асраш масаласига алоҳида эътибор қаратади. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, узоқ ва яқин мамлакатларда содир бўлаётган турли ноҳуш воқеа-ҳодисалар, нотинч ҳолатлар, халқроқ тероризм, экстремизм, наркотрафик каби ҳавф-хатарлар тобора кучайиб бораётгани, айниқса, ёш авлод вакилларини нотўғри йўлларга оғдиришга қаратилган ҳатти-ҳаракатлар, ҳар биримизни бугунги мураккаб замонда доимо оғоҳ ва ҳушёр яшашимиз даркорлигини англайди. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, бизга тинчлик керак, бизга омонлик керак!

ЎЗМТДП дастури — амалда

Миллий ўйинчоқлар фестивали

мустақил юрт хунармандларини чорлади

Ҳар бир ота-она фарзандининг жисмонан соғлом, дунёқароши кенг, юксак маънавий фахриятларга эга бўлиб улгайишини истади. Бунда ўйинчоқларнинг аҳамияти катта. Зеро, давлатимиз раҳбари Ислам Каримов "Юксак маънавият — энгилмас куч" асарига таъкидлаганидек, ўйинчоқлар образи боланинг мурғак тасаввурига бамисоли тошга ўйилган нақшдек муҳрланиб, унинг онгида бир умр сақланиб қолади. Гўдакнинг улгайиб, касб таплаши, келажакда қандай йўлдан бориши, ўзининг ҳаёт тарзини қандай ахлоқий-маънавий асосларга қуриши ҳам, ҳеч шубҳасиз, унинг болаликда қандай ўйинчоқларга ошно бўлиб ўсгани билан белгиланади.

Мутахассисларнинг фикрича, ўйинчоқ боланинг овунчоги бўлиб қолмай, балки унинг жисмоний ва маънавий камолоти, асаб фаолияти, тафаккурининг шаклланишига ҳам катта таъсир кўрсатади. Шу боис ўйинчоқларнинг нафислиги, экологик тоза маҳсулотдан тайёрлангани, маънавий жиҳатларига эътибор қаратиш алоҳида аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда тадбиркор ва хунармандлар фаолияти кўллаб-қувватланиб, уларга етарли имтиёз ва имкониятлар яратилмоқда. Бундан унумли фойдаланиб, ўйинчоқ ва кўғирчоқ ишлаб чиқараётган қорхона ва хунармандлар сафи йилдан-йилга кенгаймоқда.

Натижада "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиги остида тайёрланаётган ўйинчоқлар тури ва сифати ҳам ортиб бораётган.

Пойтахтимиздаги Мингўрик тарихий мажмуасида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ва "Хунарманд" уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилган "Миллий ўйинчоқлар" фестивалида шу ҳақда сўз борди. Унда ЎЗМТДП Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Республика "Хунарманд" уюшмаси вакиллари, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган хунармандлар, оилавий тадбиркорлар иштирок этди.

Анжуманни ЎЗМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев кириш сўзи билан очди.

— Истиклолнинг илк йилларида халқимизнинг миллий урф-одат, анъана ва қадриятларини асраб-авайлаш, янада ривожлантириш ва келажак авлодга ўз ҳолича етказиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди, — деди партия раҳбари ўринбосари. — Айниқса, қадриятларимиз давомчилари бўлган хунармандларни қўллаб-қувватлаш, ҳар жиҳатдан рағбатлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Истиклол хунармандлар учун кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Бугун ўзбек хунармандлари ўз меҳнат маҳсули билан халқаро кўргазмаларда халқимизнинг минг-йиллик қадриятларини дунёга намойён этмоқда, барчанинг хайрат ва ҳавасига сазовор бўлаётган. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам асосий электорати бўлган қадриятларимиз давомчилари фаолиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилмоқда. Бугунги фестивал ҳам партияимиз сайловолди Платформасида белгиланган аҳолининг электорат қисми бандлиги, биринчи навбатда, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида хунармандчилик, оилавий тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантириш эвазига уларни иш билан таъминлашни кенгайтиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон "Хунарманд" уюшмаси раиси Муҳаммадсўф Курбонов, миллий ўйинчоқлар устаси Мансур Курёзов истиклол берган тенгсиз имкониятлар туфайли халқимизнинг бой ва бебаҳо мероси, миллий анъана ва урф-одатлари қайта тикланаётгани, бу жараёнга ЎЗМТДП ҳам муносиб ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидлади.

Фестиваль юртимизнинг барча вилоятдан ташриф буюрган уста-хунарманд, оилавий тадбиркорлар ҳамда ёш истеъдодларнинг миллий ўйинчоқлар кўргазмаси очилиши билан бошланди.

Таъкидланганидек, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳам маънавий, ҳам жисмонан соғлом, дунёқароши кенг, интеллектуал ҳамда юксак маънавий фаолият кўрсатаётган хунармандлар, оилавий тадбиркорлар иштирок этди.

Таъкидланганидек, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳам маънавий, ҳам жисмонан соғлом, дунёқароши кенг, интеллектуал ҳамда юксак маънавий фаолият кўрсатаётган хунармандлар, оилавий тадбиркорлар иштирок этди.



ташна бўлади. Унинг хаёлларида доим турли саволлар гужон, ҳаёт ажойиботлари ҳайрат қойим. Психологларнинг таъкидлашича, бола дунёқароши, ҳаётга, инсонларга бўлган муносабати, келажакда қайси йўлдан бориши айнан гўдаклик чоғида олган таассуротлари, оилавий муҳит ва ўйнаган ўйинчоқларига боғлиқ экан. Фарзандларимизнинг комил инсон бўлиб вояга етиши, яхши касб эгаллаши, жамиятда муносиб ўринга эга бўлишида бугун улар севиб ўйнаётган кўғирчоғу ўйинчоқларнинг аҳамияти ниҳоятда катта.

Мамлакатимизда миллий кўғирчоқ ва ўйинчоқларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, хусусан, бу борада хунармандларни рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётган. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳамда "Хунарманд" уюшмаси ҳамкорлигида анъанавий ўтказиб келинаётган "Миллий ўйинчоқлар" фестивали бунда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг "Банк кредитлари — хунармандларга" лойиҳасининг хунармандчиликнинг алоҳида тури ҳисобланган миллий ўйинчоқлар ишлаб чиқарилишини янада ривожлантириш, шу соҳада меҳнат қилаётган хунармандларни қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли банк кредитлари олишга кўмаклашиш ҳамда фаолиятини самарали юритишида аҳамияти беқиёс. Бугунга қадар лойиҳа доирасида 11 миллиард 119 миллион сўмдан ортқ имтиёзли банк кредитлари ажратилиб, 530 нафар хунарманд ва оилавий тадбиркор шахсий ҳамда оилавий бизнесини йўлга қўйди. Қувонарлиси, имтиёзли кредит олганлар ичидан миллий ўйинчоқлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришни мақсад қилган ёш истеъдод эгалари кўпчилиги ташкил этмоқда.

Юртимизда азалдан миллий кўғирчоқ ва ўйинчоқларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, хусусан, хунармандларни бу борада рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётган. Болалар саломатлиги, руҳиятига салбий таъсир кўрсатадиган, санитария-гигиена талабларига жавоб бермайдиган, сифатсиз ўйинчоқлар юртимиз ҳудудига ноконуний йўллар орқали кириб келишининг олди олинмоқда. Афсуски, миллий менталитетимизга зид ўйинчоқ ва кўғирчоқлар бозорларимизда контрабанда йўли билан, оз миқдорда бўлса-да, кириб келмоқда. Улар турли ёт гоғлар, мафқуравий таҳдидлар, "оммавий маданият"ни тарғиб этиши билан ҳам хавфлидир.

Соҳа мутахассислари, отаналар ўйинчоқлар ишлаб чиқаришда кўпроқ миллий-маънавий меросимизга, халқ оғзаки ижодига мурожаат этиш кераклигини таъкидлайди. Зеро, фарзандларимиз миллий қадрият ва анъаналаримизни ўзида мўжассам этган, миллий қаҳрамонларимиз образи акс этган ўйинчоқлар билан улғайса, улар қалбига она Ватанга меҳр-ҳаббат, юртга содиқлик, катта-катта ҳурмат каби юксак маънавий туйғулар камол топади. Айни шу эзгу мақсадни кўзлаб ташкил этилган фестивалнинг аҳамияти ҳам йилдан-йилга ортиб, иштирокчилар тақдим этаётган ўйинчоқ турлари кенгайиб бораётгани қувонарли, албатта.

Бир сўз билан айтганда, тадбирда навқирон авлод маънавиятини юксалтириш, глобаллашув даврида миллий ўзлигини сақлаб қолиш, ватанпарвар, баркамол авлоднинг тарбиялашда миллий ўйинчоқларнинг ўрни ва аҳамияти, миллий рух билан суғорилган ўйинчоқлар фарзандларимизни мард ва жасур, буюк аждодларимизга муносиб авлод этиб улғайтиришдек эзгу мақсадга хизмат қилиши ҳақида фикрлашилди.

Фестивалда муносиб иштирок этган хунармандларга Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳамда "Хунарманд" уюшмасининг эсдалик совгалари ва дипломлари топширилди.

зи боланинг тасаввурини бир умр сақлаб қолади. Бунда маълуми мутахассис бўлишининг ўзи камлик қилади. Ватанимиз тарихи, миллий қадриятларимиз, маданиятимизни ҳам чуқур билиш талаб этилади. Шуларни ўйласан, шу хунар эгаси эканимдан, мустақил юрт хунармандлари сафида ўз маҳсулотларим билан жажжи фарзандларимиз тарбиясига ҳисса қўшаётганимиз ва улар қалбини қувончга тўлдираётганимдан фарқланадиз.

**Азиза МУРОДОВА, хунарманд, Қашқадарё вилояти:**

— Илмий хулосаларга кўра, инсон бутун умри давомида оладиган барча маълумотнинг 70 фоизини беш ёшгача қабул қилар экан. Илк ҳаётги тасаввурлар инсон тафаккурини пойдевор бўлувчи туншунқар болалар онгига айнан шу пайтда сингади. Демак, фарзандларимиз беш ёшгача бўлган даврда турли ўйинчоқлар орқали ҳаёт билан танишади, мурғак тасаввурини катта ҳаёт фалсафасини ҳис этади. Шундай экан, улар ўйнаб улғаяётган ўйинчоқлардан олган таассуротлар узоқ муддат онгда сақланиб қолади. Миллий ўйинчоқлар яратиш асносида шундай тасаввур ва ўй-хаёллар бир зум бўлса-да бизни тарқ этмайди. Бир неча йилдан буён миллий кўғирчоқлар ясаб билан шуғулланамиз. Юртимизда хунармандлар самарали фаолият кўрсатиши учун зарур барча шароит яратилган. Ҳар йили нуфузли танловлар ташкил этилиб, хунармандлар меҳнати муносиб рағбатлантирилади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг "Миллий ўйинчоқлар" фестивалининг вилоят босқичида иштирок этиб, голиб бўлдим. Партия Марказий кенгаши ташкил этган фестивалнинг мамлакат босқичи кутганимиздан ҳам аъло даражада ўтди. Бундай тадбирлар давомида ясаган маҳсулотимизни кенг тарғиб этиш, ҳамкасбларимиз фаолияти билан яқиндан танишиш имконига эга бўлаётимиз.

**Шоҳида ДАМАНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири**

**Сайёра ЭЛТОЕВА, миллий кўғирчоқ устаси, Сирдарё вилояти:**

— Юртимизда азалдан миллий хунармандчилик билан шуғулланиш халқимизнинг турмуш тарзига айланган, уасрлар, йиллар давомида ривож топиб бор-

анг чекка манзилида ҳам фаолият кўрсатаётган партиянинг қуйи ташкилотлари ЎЗМТДП сайловолди Платформасини ҳаётга татбиқ этишда ҳудудлардаги барча йўллар ҳолатини мунтазам ўрганиб бориши, айрим мавжуд масала ва мурожаатлар бўйича ҳудудий ва маҳаллий ижро органлари олдига аниқ вазифалар қўйиши, депутатлик назоратини ўрнатиши лозим. ЎЗМТДП ва партиядан сайланган депутатлар ўз фаолиятида яратилган ваколат ва имкониятларидан унумли фойдалана олиши партиянинг сайловчилар ишончини қозонишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

**Хусайн РАҲМОНОВ, меҳнат фахрийси**

ган. Хунар орқасидан ота-боболаримиз рўзғорига кут-барака кирган, турмуши обод, дастурхони тўкин, эл орасида обрўйи балиб бўлган. Асрлар оша сайқал топиб келаётган бу қадрият истиқлол йилларида янги маъно-мазмун касб этди. Му-стақиллик туфайли хунармандлар елкасига шамол теғди.

Айни пайтда миллий кўғирчоқлар тайёрлаш хунармандларига катта масъулият юклайди. Чунки ўйинчоқлар образи боланинг тасаввурини бир умр сақлаб қолади. Бунда маълуми мутахассис бўлишининг ўзи камлик қилади. Ватанимиз тарихи, миллий қадриятларимиз, маданиятимизни ҳам чуқур билиш талаб этилади. Шуларни ўйласан, шу хунар эгаси эканимдан, мустақил юрт хунармандлари сафида ўз маҳсулотларим билан жажжи фарзандларимиз тарбиясига ҳисса қўшаётганимиз ва улар қалбини қувончга тўлдираётганимдан фарқланадиз.

**Шоҳида ДАМАНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири**

**Сайёра ЭЛТОЕВА, миллий кўғирчоқ устаси, Сирдарё вилояти:**

— Юртимизда азалдан миллий хунармандчилик билан шуғулланиш халқимизнинг турмуш тарзига айланган, уасрлар, йиллар давомида ривож топиб бор-

Навқирон авлод тарбияси

билан боғлиқ масалалар партия тадбирларида кенг муҳокама қилинди

Самарқанд

ЎЗМТДП Нарпай туман кенгаши "Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида бирлашайлик!" шиори остида фестивал ташкил этди.

— Фестивални ташкил этишдан асосий мақсад — ёшларни мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнлар, демократик ўзгаришлар мазмун-моҳияти билан яқиндан таништиришдан иборат, — деди партия туман кенгаши раиси Пўлат Эргашев. — Тадбир ёшлар қалбига юртимизда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик туйғусини шакллантириш, улар онг-шуурини "оммавий маданият"нинг салбий таъсирларидан асраш, миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, улар қалбига миллий гурур туйғусини юксалтириш каби партия дастурий мақсад-вазифалари ижросига қаратилди.

Мазкур фестивал вилоятнинг барча туман ва шаҳарлари, чекка қишлоқ ва маҳаллаларда депутатлар, ёш олим ва мутахассислар, таниқли шоир ва ёзувчилар иштирокида ўтказилмоқда.

Тошкент шаҳри

Партиянинг Бектемир туман кенгаши "Ёшлар қаноти" ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишларига бағишланган давра суҳбати ташкил этди.

Тадбирда таъкидланганидек, замонавий билим ва касб-хунарни пухта ўзлаштириш, дунёқароши кенг ва мустақил фикрлайдиган юксак интеллектуал авлоднинг тарбиялаш Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишидир. Бундай эътибор ва имкониятлардан оқилона фойдаланаётган ёшларимиз барча соҳаларда салмоқли натижаларга эришмоқда. Шу билан бирга, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларни мамлакатимизда ва дунёда бўлаётган ўзгаришлардан бохабар этиш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш орқали юрт тақдирига дахлдорлик туйғусини қучайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ёшлар билан боғлиқ дастурий мақсад-вазифалари, мамлакатимизда вояга етмаганлар ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида тегишли ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилиб, ҳаётга ижтимоий татбиқ этилаётгани, навқирон авлодга яратиб берилаётган имкониятлар ҳусусида сўз юритилди.

Навоий

ЎЗМТДП Хатирчи туман кенгаши "ЎЗМТДПнинг фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги ўрни" мавзусида семинар ташкил қилди. Унда партия Навоий вилоят ва Кармана туман кенгаши фаоллари, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутатлар ва бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими вакиллари иштирок этди.

— Бугун сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли, мамлакатда юз бераётган демократик жараёнларга таъсирини тобора кучайиб бормоқда, — деди партия Хатирчи туман кенгаши раиси Исмомиддин Маҳмудов. — ЎЗМТДП ҳам жамиятда амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиланишларда фаол иштирок этишга интилоқда. Партия дастурий мақсад-вазифаларини кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиш, хайрихоҳлар сафини кенгайтириш, бошланғич партия ташкилотлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш олдимизда турган долзарб вазифалардан. Айнан шу мақсадда ташкил этилган семинар бу борадаги ишларимизни янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Тадбирда шунингдек, миллий қадрият, урф-одат ва анъаналарни аҳоли орасида кенг тарғиб этиш, айниқса, ёшлар онгига Ватанга муҳаббат, юртга садоқат туйғуларини шакллантиришга қаратилган тарғибот тадбирлари сифат ва самарадорлигини ошириш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Андижон

Партия Балиқчи туман кенгаши "Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ЎЗМТДПнинг ўрни" мавзусида тадбир ўтказди. — Мамлакатимиз тараққиёти йўлида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида фуқаролар фаоллигини ошириш, бу борада ёшларнинг ташаббускорлигини қучайтириш муҳим аҳамиятга эга, — деди ЎЗМТДП Балиқчи туман кенгаши раиси ўринбосари Н.Алимов. — Партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда фуқароларда ижтимоий ҳодисаларга бефарқ бўлмастик кўникмасини шакллантириш, уларнинг етарли ҳуқуқий билимига эга бўлиши ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашда партия фаоллари ташаббус кўрсатиши, навқирон авлоднинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида фаол иштирок этишга ундашимиз лозим.

Тадбирда партия туман кенгашининг фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида келгусидаги вазифалари белгиланган.

Бухоро

ЎЗМТДП Бухоро вилоят кенгаши "Аёллар қаноти" ҳамда "Ёшлар қаноти" ташаббуси билан миллий ўйинчоқлар кўргазмаси ташкил этилди.

— Ҳар томонлама соғлом янги авлоднинг дунёга келтириш ва тарбиялаш учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида устувор вазифа сифатида белгиланган, — деди тадбирда сўз олган партия Бухоро шаҳар кенгаши етакчи мутахассиси Дармон Ҳаева. — Миллий менталитетимизга хос бўлмаган, ҳорижда ишлаб чиқарилаётган ўйинчоқлар орқали фарзандларимиз қалби, онгу шуурига бузғунчи гоғлар соқ салмаслиги учун юртимизда миллий кўғирчоқлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш лозим. Ўзбек халқ эртаклари ва дostonларидаги миллий либос кийган қаҳрамонлар қиёфаси ўйинчоқларда ўз аксини топса, уни болаларимиз қадрлаб, севиб ўйнаса, бола руҳиятига ҳам, камолотига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Тадбир доирасида намойиш этилган миллий хунармандчилик кўргазмаси иштирокчиларда катта таассурот уйғотди. Шунингдек, уста хунармандлар иштирокида "Миллий кўғирчоқлар ясаб тарихи", "устоз-шогирд" мактаблари тақдими бўлиб ўтди.

Фаол хунармандларга Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Бухоро вилоят кенгашининг диплом ҳамда эсдалик совгалари топширилди.

Қашқадарё

ЎЗМТДП Деҳқонобод туман кенгаши "Юрт тинчлиги — олий саодат" мавзусида тадбир ташкил этди. Унда партия туман кенгаши ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ходимлари, ўқитувчи-мураббийлар, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Бугунги глобаллашув даврида тинчлик ва осойишталик масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда, — деди партия туман кенгаши раиси Алишер Нуриллаев. — ЎЗМТДП сайловолди Платформасида жамиятнинг ижтимоий тараққиёт йўлида тўсиққа айланган ва миллий манфаатларимизга зид бўлган иллатлар, турли ҳаракатларга қарши мурокасиз кураш олиб бориш, шунингдек, ушбу соҳалардаги қонунчилик ва ҳуқуқни татбиқ этиш амалиятини мунтазам равишда такомиллаштириб боришга қаратилган йўлни қўллаб-қувватлаш асосий мақсад ва вазифалардан бири сифатида белгиланган. Бугун тадбирда тақдим этилган маъруза ва видеоролик ёшларда тинчлик ва барқарорликнинг қадрига етиш, дорилоним қулларга шукрона келтириш туйғусини қучайтириш ҳамда ЎЗМТДП дастурий мақсад-вазифаларини ҳаётга татбиқ этишга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Ойдин АЛИМАРДОНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири**

Электорат минбари

Бугун юртимизнинг қайси бир гўшасига борманг, янгилашни кенг қўламли бунёдкорлик ишларида гувоҳ бўласиз. Замонавийлик ва миллийлик руҳида қад ростлаган бинолар, кенг ва равои кўчалар, турар жой бинолари, спорт иншоотлари, турли маданият ва истироҳат гўшалари мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти кўламини ифодалайди. Зеро, эзу ва олжасаноб мақсадларимиз, бу йўлда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ва яратувчилик ишлари кундалик таомилга айланди.

Аҳоли турмуш даражасини равои та текис автомобиль йўллари сиз тасаввур қилиб бўлмайди. Табиий газ, тоза ичимлик суви каби неъматларнинг ўз қадри бўлгани каби йўллар-

Йўли равоининг иши равои

нинг ҳам ҳаётини зарурияти беқиёс. Шу боис бугун юртимизда йўл қурилиши соҳаси ҳам жадал ривожланиб, янги йўллар, замонавий кўприклар бунёд этилиб, аҳоли учун қулайлик яратилмоқда. Зеро, йўли равоининг иши равои, деган нақл ҳам беҳиз айтилмаган.

Йўли равоининг иши равои

кўмаклашиш масалаларини ўзининг долзарб вазифалари сирасига киритган. Бу, ўз навбатида, қишлоқ, маҳалла ва мавзёлардаги ички йўл ва йўлакларга эътибор қаратишни тақозо этади.

Йўли равоининг иши равои

Мазлумки, мамлакатимизда автоматобил йўлларининг умумий узунлиги бир неча ўн минглаб километрни ташкил этади. Уларнинг ҳолатини ўрганишда мутасадди ташкилотлар билан партия ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Мазлумки, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎЗМТДП гуруҳлари жойларда бу борада аниқ ташаббусларни амалга оширмоқда, сессиялар кунлари тарғибига ички йўллар ҳолати билан боғлиқ қатор масалаларни киритаётган. Юртимизнинг

Фракция ҳаёти

Оқилона сарф-харажат — самарали натижалар омили

ЎзМТДП фракцияси Давлат бюджетининг 2015 йил 9 ойидаги ижросини қизғин муҳокама қилди

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида амалга оширилган сарф-харажатлар натижасида иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатлари сақланиб, макроиқтисодий барқарорлик таъминланди. Хусусан, экспорт қилувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва экспортни диверсификация қилиш, маҳсулотларни сотишнинг янги ташқи бозорларини фаол ўзлаштириш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар натижасида жорий йилда 830 дан зиёд янги корхоналар, биринчи навбатда, кичик бизнес субъектлари экспорт фойдаланишига жалб этилди. Янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга доир лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида 785 турдаги тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технология қайта жиҳозлаш, уй-жой қурилишини, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантириш борасида фаол инвестиция сибсати олиб борилиши натижасида жорий йилнинг 9 ойида иқтисодиётимизга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 9,9 фоизга, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш 7,4 фоизга ўсиши таъминланди. Фракция аъзолари ҳисобот даврида ижтимоий соҳа харажатлари, хусусан, унинг асосий қисми фан, таълим, маданият ва спортни ривожлантиришга ҳамда фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган алоҳида эътибор қаратди. Бюджет харажатлар қисмининг 58,7 фоизи ижтимоий соҳани ривожланти-

ришга сарфлангани бюджет сибсатининг ижтимоий йўналтирилганлигидан далолат эканлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, муҳокама қилинган маълумотлар асосида фракция аъзолари ҳукумат томонидан тақдим этилган ҳисоботни қўллаб-қувватлаб, партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, Давлат бюджетининг ижроси билан боғлиқ тақлиф ва тавсияларни ҳам илгари сурди. Хусусан, жаҳон бозорларида ҳали-ҳамон сақланиб турган беқарорлик шароити-


дан мақсадли фойдаланиш, солиқларни тўлиқ ва ўз вақтида тўлашни таъминлаш, бюджетдан ажратилган маблағларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш масалаларига эътибор қаратиши талаб этилиши таъкидлаб ўтилди.

Йиғилиш якунида муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Элдор ТУЛЯКОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Фракциямиз томонидан ҳисобот даврида рақобатбардош маҳсулот ҳажми ва номенклатурасини ошириш юзасидан олиб борилган чора-тадбирлар жаҳон бозорига кечайтган мурраккаб жараёнларга қарамадан товар ва хизматлар экспортининг ўсишига олиб келганлиги таъкидланди. Жумладан, Маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида 667 та лойиҳа бўйича қиймати 2,6 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарувчи илк бор экспорт фаолиятига жалб этилиб, ташқи бозорга янги турдаги маҳсулотлар етказиб берган. Натижада, экспорт ҳажми ўсиб, ташқи савдо айланмасининг ижобий салъдоси таъминланганлиги миллий иқтисодиётнинг ижобий тенденцияларга эга эканлигидан далолат беради. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, янги иш ўринлари яратилиши ва аҳоли даромадларининг ортишини таъминлашга, солиқлар тушумини кўпайтириб, Давлат бюджетининг даромадлар қисмига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Муҳтарам КОМИЛОВА, "Milliy tiklanish" муҳбири



Муҳокама қилинган маълумотлар асосида фракция аъзолари ҳукумат томонидан тақдим этилган ҳисоботни қўллаб-қувватлаш ва тавсияларни ҳам илгари сурди.

Сана

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Хусусан, мамлакатимиз Конституциясида оиланинг муқаддаслиги, унинг ижтимоий мақоми, шу билан бирга, ота-оналик шарафли унвон экани ва фарзандлик бурчи ҳам ахлоқий, ҳам юридик жиҳатдан аниқ белгилаб қўйилган. Утган мустақил тараққиёт йилларида шу асосда Оила, Фуқаролик, Уй-жой кодекслари ва бошқа зарур қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, унинг ҳуқуқий пойдевори яратилди. Мамлакатимизда оилани ҳамиятнинг муҳим

фуқаролик жамияти сари" тамойилининг амалий ифодаси бўлиб, маънавий ҳаётимизни янада мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг онгу тафаккурини миллийлик ва замонавий асосда шакллантириш борасида муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз Конституциясида халқимизни, айниқса, ёшларни миллий-маънавий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни бой маданий ва маънавий меросимизни асраб-авайлашга ўргатиш билан боғлиқ масалалар ҳам ўз ифодасини топан. Жум-


ланган асосий қоида ва меъёрларнинг муваффақиятли рўйбоғида қишлоқ кўмаклашига интилиб келаятир. Жумладан, партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси Ўзбекистон Конституциясида мустаҳкамланган қоида ва принциплар асосида парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти довомида миллий хусусиятлар ва қадриятларнинг ифодаланишига алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу эса қонунларнинг миллий ўзига хослик руҳи ва манфаатларимиз асосида ишлаб чиқилишида муҳим ўрин тутди.

Умуминсоний ва миллий қадриятлар уйғунлиги

Асосий қонунимиз пойдевори

бўғини, айниқса, ёш авлод камолотида бевосита дахлдор ижтимоий институт сифатида юқас эътибор қаратилаётгани бунинг ёрқин даллатидир.

Миллий ва маънавий қадриятларимизнинг аққол ифодаси сифатида давлатчилигимиз тарихида биринчи марта "маҳалла" тушунчаси Конституциямизга киритилиб, унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва мақоми қатъий белгилаб қўйилди. Шу асосда маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилиб, қонунчилик асослари такомиллаштирилаётди. Амалдаги қонун ва қонуноти ҳужжатлар уларнинг бугунги кунда ўзини ўзи бошқариш идораси, ҳақиқий демократия мактаби сифатида кенг қўламли фаолият олиб боришларига, мустақиллик йилларида маҳалла ҳаёти билан боғлиқ қўламли қадриятлар, урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланиб, замон талаблари асосида бойиб боришига ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бу, ўз навбатида, "Кучли давлатдан — кучли



ладан, Бош қомусимизда Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини асраб-авайлашга мажбуриятини таъминлашга меъёр шун юрт фуқароларининг асосий бурчларидан бири сифатида белгиланган.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз нуктаи назари, дастурий мақсад-вазифаларини амалга ошириш жараёнида Бош қомусимизда барча соҳа ва йўналишда белги-

Бундан ташқари, партия марказий ва худудий ташкилотлари таъсирчан тарғибот тадбирлари билан Конституциямиз мазмун-моҳиятини ёшлар орасида кенг тарғиб этиш, уларни Бош қомусимиз ва қонунларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга ҳисса қўшиб келаятир.

Муҳтарам айтганда, миллий ва умуминсоний қадриятлар, бой давлатчилигимиз тарихи асосида пухта ва мукамил ишлаб чиқилган Бош қомусимиз мамлакатимиз ўз олдига қўйган буюк мақсад — ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида мустаҳкам пойдевор сифатида хизмат қилмоқда. Конституция юртимизнинг ривож, халқаро майдондаги обрў-эътибори кучайиши, халқимиз фаровонлигини таъминлашда ёрқин маёб бўлиб, йўналишимизни ҳамията ёритаверади.

Муҳтарам ХУСАНОВА, ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Ташаббус натижа берди

Атроф-муҳит мусаввоқлигини таъминлаш

борасида халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи сессияга масала киритди

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Яқинда халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши сессиясида ЎзМТДП гуруҳи илгари сурган "Чиқиндилар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг жойлардаги ижросини ўрганиш борасидаги ташаббус-масала қизғин муҳокама қилинди. Мазкур ташаббус-масала ҳам худудда экологини муҳофаза қилиш, атроф-муҳит ободлигини сақлаш борасидаги ишларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

— Вилотиямизда чиқиндиларнинг фуқаролар соғлиғи ва ҳаётига, атроф-муҳитга таъсирининг олдини олиш, маиший чиқиндилар ҳосил бўлишини камайтириш ва уларни бартараф этиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда, — дейди халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси Зокир Холиқов. — Жумладан, ўтган йили вилотда бундай қўшимча равишда 30 га яқин "Isuzi" русумли чиқинди ташвиш техникаси олинди, чиқинди йиғиш майдончалари қурилди ҳамда улар 350 дан зиёд контейнер билан таъминланди. Жорий йилда ҳам чиқиндилар учун янги миниполигонлар қуриш, атрофини ўраш, мавжуд чиқинди йиғиш майдонларини тартибга келтириш ишлари олиб борилаётган. Ўзбекистон Республикасининг "Чиқиндилар тўғрисида"ги қонун ижросини ўрганиш давомида вилотиямиздаги барча туман ва шаҳарларда махсус рейдлар ўтказдик. Тахлиллар давомида бир қатор худудлар, айниқса, Когон ва Бухоро шаҳарларида бу борадаги ишлар самарали ташкил қилинганлигини гувоҳи бўлдик. Бироқ беш бармоқ баробар эмас деганларидек, мазкур қонун ижроси юзасидан вилотда амалга оширилган ижобий ишлар би-

лан бир қаторда ўз ечимини кутаётган масалалар ҳам мавжудлиги аёнлашди. Чукур ўрганиш ва таҳлиллардан сўнг масалани халқ депутатлари вилот Кенгаши сессияси муҳокамага тайёрланди. Ташаббусимиз натижа бериб, сессия бу борада қарор қабул қилди. Унга мувофиқ вилотда экологик вазиятни мувофиқлаштириш, иш самарадорлигини ошириш борасида тегишли ташкилотларга аниқ вазифалар юклатилди.

Партия гуруҳи тайёрлаган таҳлилий материалларни ўрганишимизда, жорий йилда вилотда мазкур ишларни тартибга солиш учун салмоқли маблағ ажратилишига гувоҳи бўлдик. Демак, чиқинди йиғиш майдонларини қайта ташкил этиш, уларни имкон даражасида зарарсизлантириш, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш учун шарт-шароит мавжуд. Шундай бўлса-да, бу масалага етарли эътибор қаратилмаётганини қандай баҳолаш мумкин? Тўғри, бу борада айбни фақат мутасаддилардан ишлаш нотўғри. Мазкур ҳолатларнинг олдини олиш учун фуқароларда, энг аввало, ҳуқуқий-экологик маданиятни ривожлантириш ҳам жуда муҳим. Худудлардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари билан гаплашганимизда, афсуски, айрим чиқинди йиғиш майдонини ён-атрофи ўралмагани натижасида айрим фуқаролар белгиланмаган жойларга чиқинди ташлаб кетаётгани ҳақида билдик. Қолаверса, айрим ота-оналар ёз мавсумида билатуриб, фарзандларини чиқинди йиғиш майдонини атрофидаги сув ҳавзаларига қўйиб қўйиб беришига розилик беради. Ахир бу бола саломатлиги учун катта зарар етказиши, турли юқумли касалликларнинг тарқалиши хавфли ортиши ва авж олишига сабаб бўлиши мумкин.

ЎзМТДП гуруҳи сессия муҳокамага жараёнида ушбу масалаларни ўртага ташлаб, аҳоли, давлат ва жамоат ташкилотлари мутасаддилари кўлини-қўлга бериб, яқдиллик билан ҳаракат қилиши лозимлиги ҳақидаги фикрни илгари сурди.

Дарҳақиқат, экологик муҳитни мусаввоқ сақлаш ҳақида кўп гапираимиз, унинг табиатга, соғлиғимизга қанчалар зиён етказишини биллиб турамиз, бироқ ана шу мувозанатни қандай сақлаш, атроф-муҳитни асраб-авайлаш борасида ҳаммамиз ҳам амалий иш қилишга шошилмаймиз. Аслида ажодларимиз турмуш тарзининг ажралмас қисми ҳисобланган озодалик, фаровонликка интилиш барчамизнинг эзгу мақсадимизга айланиши зарур. Зеро, халқимиз бежиз ободлик қўнғилдан бошланади, демайди.

Анвар НИЁЗОВ, Бухоро вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси:

— Атроф-муҳит мусаввоқлигини сақлаш, бу борада давлат ва нодавлат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашда халқ депутатлари вилот Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи фаоллик кўрсатиб келаятир. Дикқатга сазовор. Бу масала юзасидан партия гуруҳи дастлаб жорий йилнинг биринчи чорагида депутатлик назорати ўтказиб, бизга депутатлик сўрови билан мурожаат қилган эди. Шундан сўнг, барча марказий чиқинди йиғиш майдонини мутасаддиларнинг жалб қилган ҳолда қайта инвентаризацияни ўтказиш сарф-харажатларини бошладик. Сессия қарор натижасида чиқинди йиғиш майдонларини меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ реконструкция қилишга киришдик, Ғиждувон туман марказий чиқинди йиғиш майдон-

ни ҳам санитария талаблари бўйича канал яқинидан узоқ масофага кўчирилди, сув ёқасидаги ахлат уюмлари тозаланди. Эътиборлиси, бу борада кўпгина мутасадди ташкилотлар ҳамкорликка жалб этилгани бажаришимиз лозим бўлган ишлар кўламини кенгайтириш, муаммоларни самарали ҳал этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шариф НАБИЕВ, вилот давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врач:

— Вилотиямизнинг айрим худудларида "Чиқиндилар тўғрисида"ги қонун ижросини таъминлашда оқсоқликка йўл қўйилгани рост. Хусусан, Ғиждувон, Олот, Қорақўл, Қоровулбозор туманларида ташкил қилинган марказий чиқинди йиғиш майдонлари санитария-гигиена талабларига деярли жавоб бермайди. ЎзМТДП гуруҳининг мазкур масалани вилот сессиясига киритгани барчамизни ҳушёрликка чорлади. Ахир, шу табиат, атроф-муҳитдан ўзимиз нафас оляпти, мана шу шароитда фарзандларимиз ўлгаймоқда. Демак, масалага жиддийроқ қараш вақти аллақачон етиб келган. Айни пайтда сессия қарориди қайд этилган камчиликларни бартараф этиш ишларини амалга оширмоқдамиз ва бу ҳақда халқ депутатлари вилот Кенгашига ахборот тақдим этдик. Шунингдек, бу борадаги ишлар изчил давом эттирилиб, худудлардаги фуқаролар йиғинлари билан биргаликда аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари ҳам олиб борилаётди. Буларнинг бари вилотиямиз озодаллигини сақлаш, ободонлаштириш, экология ва санитария ҳолати барқарорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Умида УЗОҚОВА, "Milliy tiklanish" муҳбири

Қонун лойиҳаси — муҳокамада

Мамлакатимизда барча соҳада замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг кенг жорий этилиши ва соҳа ривожини унинг қонуний асосларини мустаҳкамлаш ва янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Ахборотлаштириш тўғрисида", "Телекоммуникациялар тўғрисида", "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида" ва "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги қонунари қабул қилиниши мамлакатимизда "Электрон ҳукумат" тизимини яратиш борасида қўйилган илк қадамлар ҳисобланади.

Электрон ҳукумат тизими

фаолиятининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш — мамлакатимизда ягона миллий ахборот маконини шакллантиришнинг асосий омили

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 27 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида Миллий ахборот-коммуникация тизимларини комплекс ривожлантириш дастури тасдиқланди. Дастурда мамлакатимизда ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш, "Электрон ҳукумат" тизимини яратиш ва такомиллаштириб боришга қаратилган чора-тадбирларни босқичма-босқич амалга ошириш, юртимизнинг чекка худудлари, айниқса, қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи аҳолига сифатли алоқа тизимларидан фойдаланишга имкон яратувчи лойиҳалар тайёрлаш вазифалари белгиланди. Шунингдек, "Электрон ҳукумат" тизимининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, хусусан, "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонун лойиҳасини тайёрлаш вазифаси юклатилди. "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонун лойиҳаси жорий йилнинг ноябрь ойида Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилди.

Таъкидлаш жоизки, қонун лойиҳасини такомилга етказишда Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси масъул этиб белгиланди, қўмитада ишчи гуруҳи шакллантирилди. Қонун лойиҳаси ишчи гуруҳи ташаббуси билан кенг

кенг қўлланиладиган соҳаларга ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишни кенгайтиради, фуқароларнинг давлат хизматларидан масофадан туриб фойдаланишини таъминлайди. Қонун лойиҳасида фуқароларнинг давлат хизматларидан фойдаланишга доир ҳуқуқларини химоя қилиш, электрон давлат хизматларини кўрсатишда "бир дарча" тамойилининг

кенг қўлланилиши назарда тутилмоқда. Бундан ташқари, давлат хизматларини кўрсатувчи давлат органлари билан бошқа ташкилотларнинг ҳамкорликдаги ҳаракатини, ўзаро алоқа ва ахборот алмашувини идораларо электрон ҳамкорлик тизими воситасида амалга ошириш белгиланмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасини муҳокама қилиш, такомиллаштириш жараёнида ЎзМТДП фракцияси аъзолари ҳам фаол иштирок этиб, партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда қатор тақлифлар берди. Зеро, партиянинг сайловолди Платформасида аҳоли, айниқса, қишлоқ жойлардаги фуқароларнинг юқори даражада ахборотга эга бўлишини таъминлаш, ягона миллий ахборот маконини шакллантириш, идораларо ва идора мажмуаларининг ахборот тизимларини бирлаштирувчи миллий ахборот тизимлари ва ресурсларини, айниқса, Интернет тармоғининг миллий сегментларини ривожлантиришга кўмаклашиш ЎзМТДПнинг устувор вазифалари сифатида белгиланган. "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши эса ана шундай партиявий мақсад-вазифаларимизнинг амалга оширишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Шухрат ТҶУБАЕВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Жавонлардан таралаётган нур

# “Китоб олами” дўконига саёҳат

**“Хар ишқи қилмиш одамизот, тафаккур бирла билмиш одамизот”. Алишер Навоийнинг ушбу тегран сатрларида башариёт тараққиёти учун билим ва тафаккур нечоғли улкан аҳамиятга эга кани ҳақидаги ҳақиқат мужассам.**

... Хар тонг ишга шошиб, Мустақиллик кўчаси бўйлаб борар эканман, қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилаётган бино эътиборимни ўзига тортарди. “Бу ҳашамдор бино супермаркет ёки бирор савдо мажмуаси бўлса керак”, деб ўйлардим...

Аммо негадир у Марказий Осиёдаги энг катта китоб дўкони бўлиши мумкинлиги ҳеч хаёлимга келмабди. Унга яқинлашар эканман, катта йўл четидаги улкан ва ёрқин экранда китоблар тарғиботи, мажмуа рекламасига бағишланган лавҳалар намоийишга кўзим тушди. Ойнаванд “девор” ортидан кўриниб турган китоблар эса ҳеч кимни бефарқ қолдирмай, ичкарига киришни, бир зум китоблар оламига сайр этишга чорлайди.

Дўконга кирверишда, устки кийим ва сумкангизни кийим олиш хонасига топшириш лозим. Шундан сўнг, саёҳат бошлашнинг зуми.

Дўкон тўрт — ўзбек, рус, чет эл ҳамда болалар адабиёти бўлимларидан иборат. Маҳаббатли катта залнинг 21 шўъбасида тарихий романлар, замонавий детектив асарлар, таълим нашрлари, турли соҳага оид адабиётлар, ихтисослашган қўлланмаларни топиш мумкин. Айниқса, чет

эл адабиёти ихлосмандлари учун бу дўкон айни муддао: улар ўзбек тилида нашр этилган жаҳон классик асарларини харид қилиши мумкин. Иккинчи қаватда эса чет эл нашриётларида чоп этилган асарлар ҳам китобхонларга манзур бўлади.

— Мажмуамизда юртимиз ва хориж нашриётларининг 5 мингдан ортиқ номдаги 60 мингта китоби савдога чиқарилган, — дейди дўкон ходими Яхёбек Абдумуталибов. — Китоб залида дисклар ва электрон адабиётлар учун алоҳида стол ташкил қилинган. Шунингдек, дўконимиз сайти ҳам йўлга қўйилган. У орқали нафақат дўкон ҳақида маълумот олиш, балки масофадан туриб китоб харид қилиш имконини ҳам яратилган. — Харидни kitobolami.uz сайтига кириб, пластик карталар орқали амалга ошириш мумкин. Дўконда шунингдек, даврий босма нашрлар бўлимини очиб, ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар ҳамда китоб тақдиротлари ўтказилиши ҳам режалаштирилган. Бу эса ёш авлоднинг маънавий ва интеллектуал эҳтиёжини қондиришда китобнинг ўрни ва аҳамиятини янада кенгайтириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш, ёзувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқотни кенгайтиришга хизмат қилади. Айни кунларда китобларни хорижга етказиб бериш борасида ҳам иш олиб бориляпти.

Мазкур маскан кўп томонлама Марказий Осиёда ягона йирик китоб

дўкони экани ҳам диққатга сазовор. Иш бошлаганидан буён нафақат юртдошларимиз, балки хорижий меҳмонлар билан ҳам гавжум. Дўкон Ўзбекистондаги 110 нашриёт ҳамда Россиянинг бир қанча ноширлик уйлари билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Китоблар чет элдаги ҳамкорлардан

— Китоб инсонни ақлий ва маънавий камолотга етакловчи ҳазинадир, — дейди отахон. — Шу боис, уйда невараларимга эртақ ўқиб бераман. Чунки эртақ эшитиб улгайган боланинг қалбига фақат эзгу хислар куртак эсади. Хар сафар шаҳарга тушсам, невараларим учун китоб олмасдан қайтмайман. Бу дўкон бизга манзур бўлди. Бу ердаги китоблар биз каби боболар ва жажжи болалар учун айни муддао бўлибди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда навқирон авлод маънавиятини юксалтириш борасидаги саъй-ҳаракатларда ўғил-қизларнинг китобга бўлган меҳрини янада кучайтириш, мутолаа маданиятини оширишга доимий эътибор қаратилаётир.

Ушбу мухташам китоб дўкони ҳам юртимиз ижтимоий-маданӣ ҳаётида муҳим воқеалик, китоб ихлосмандлари учун улкан совға бўлди. Чунки китоб — энг яқин дўст, маслаҳатчи ва билим манбаи. У инсоннинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширувчи, маънавиятли ва интеллектуал салоҳиятли авлодни камолга етказувчи, уларнинг қалбига Ватанга садоқат, миллий, умуминсоний ғояларга ҳурмат-эҳтиром туйғуларини кучайтирувчи беқиёс воситадир. “Китоб олами” дўкони ана шундай эзгу мақсадга йўналтирилгани билан ҳам эътиборга лойиқ.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам маънавий-маърифий соҳадаги ислохотларни янада чуқурлаштириши ўз олдига турган муҳим вазифа деб билди ҳамда камол топиб келаётган авлодни, биринчи навбатда, китобга муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, уларда матбаачилик маҳсулотларига қизиқишини кучайтириш, ёшларнинг маънавий жиҳатдан юксалишига қўмаклашадиган маънавий-маърифий марказларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириши ўзининг устувор йўналишларидан бири деб ҳисоблайди.

**Ойдин НАСРИДИНОВА,**  
“Milliy tiklanish” мухбири



хар чорақда бир, Ўзбекистон нашриётларидан эса хар қуни келтирилиши йўлга қўйилган. Тез орада доимий харидорлар учун чегирмалар ва дисконт-карталар тизимини жорий этиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, дўконда “Бахтли харидор” акцияси иш бошлаши кўтилмоқда. Акцияга кўра, дўкондаги айрим китобга жойлаштирилган штрих-код орқали омадли харидорлар совғаларни қўлга киритади.

... “Болалар адабиёти” бўлимига ўтиб, худди болалар дунёсига тушиб қолгандек бўлдим. Чунки жажжи кичиктойларнинг дид ва дунёқарашига ҳамоҳанг жиҳозлар, мультфильм қахрамонлари, турли ўйинчоқлар ҳамда ёрқин ранглар китоб дўконини болалар учун севимли масканга айлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр этилган эртақлар, болалар учун махсус китоблар ёш китобхонларнинг эътиборини ўзига тортмай қолмайди. Шу ернинг ўзида болаларнинг китоб ўқиш ва расм чизиши учун махсус стол-стуллар ўрнатилган.

Неварасини етаклаб, турли китоблар харид қилаётган нуруний отахон эътиборимни тортди. Чирчилик 68 ёшли Баҳриддин ота “Китоблар олами” дўконига яратилган шарт-шароитдан мамнуллигини яширмади:



Танлов

## “Шодлик наволари”

илк бор жаранг сочди

**26-27 ноябрь кунлари Ўзбекистон давлат консерваториясида “Шодлик наволари” мусиқа чолғулари ижрочилари республика танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда қуйи босқичларда ғолиб бўлган етмиш нафар ёш мусиқачи ўз иқтидорини намоийиш этди.**

Мамлакатимизда ёш авлод маънавиятини юксалтириш, миллий маданият ва санъатимизни изчил раванга топшириш, ўғил-қизларни хар жиҳатдан соғлом инсонлар этиб воёга етказиш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу эзгу ишларда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан бу йил биринчи бор ташкил этилган “Шодлик наволари” мусиқа чолғулари ижрочилари республика танлови ақсонон ижрочилик санъатини ривожлантириш, ёшларнинг истеъод ва маҳоратини ошириш, чолғучилик санъатини тарғиб қилишга қаратилган. Танлов чолғучилик санъати ва иқтидорли созанда ёшларнинг ижодига кенг йўл очди, уларнинг мусиқий салоҳияти, олган билимлари, санъатга оид кўникмаларини синовдан ўтказди.



Танловда созандалар яқна ва жамоа бўлиб куй ижро этишга оид салоҳиятини намоийиш этишди. Унда 15-18, 18-26 ёшли иқтидорли мусиқачилар миллий ва жаҳон мусиқаси намуналарини ижро этди.

— Танлов илк маротаба ўтказилаётган бўлишига қарамай, ёш ижрочилар кўнглидан жой олди, — дейди Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ахборот хизмати раҳбари Дилфуза Қаршибоева. — Қуйи босқичларда 600 нафардан зиёд ўғил-қиз қатнашгани ҳам бунинг яққол далилидир. Якуний босқичда ҳам жиддий рақобат кузатилди. Энг асосийси, ушбу танловда ёшлар ўз маҳорат ва салоҳиятларини синовдан ўтказди, тажриба алмашиб, соҳанинг етуқ вақилларидан сабоқ олди-

лар. Иштирокчилар дамли, торли-камонли, зарбли чолғулар, фортепьяно ва эстрада чолғулари йўналишларида беллашди. Танлов шартига кўра, иштирокчилар худудий босқичда Ўзбекистон бастакорлари ижодидан, мураккаб чолғулар билан ижро этиладиган асарлардан намуналар ҳавола этган бўлса, республика босқичида мураккаб чолғулар билан бирга, йирик шаклдаги асар-соната, фантазия, увертюра, рапсодия, концертлардан парчалар ижро этдилар. Улар орасидан энг истеъоддиларига бир неча йўналиш бўйича ташкилотчиларнинг диплом ва қимматбахо совғалари топширилди.

— Юртимизда биз, ёшларнинг билим олишимиз, истеъодимизни намоён этишимиз учун барча шароит муҳайё, — дейди “Шодлик наволари” танлови ғолиби Абдулла Саидхонов. — Мен ҳам болалигимдан фортепьяно чалишга қизиқаман. Юртдошимиз Беҳзод Абдураимовнинг ижоди, у эришаётган ютуқлардан илҳомланаман. Келажакда мен ҳам яхши мусиқалар яратиб, Ватанимиз тараққиёти йўлида хизмат қилмоқчиман.

“Оханглар руҳга тартибга туширилган, шаклга киритилган бўлгандагина кучли таъсир қилади. Чунки руҳ тартибга кирган нарсани тезроқ қабул қилади”, деган эди Абу Райҳон Беруний. Дарҳақиқат, маромига етказиб ижро этилган куй инсон қалбига яхшилик уруғини кўкартиради, ватанпарварлик, олижаноблик сари етаклайди. Шу маънода, “Шодлик наволари” республика танлови ҳам ёш авлод қалбига эзгулик ғояларини сингдириши, уларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Аҳмад ЮСУПОВ,**  
“Milliy tiklanish” мухбири

Киш эшик қоқмоқда

**Тошкент шаҳар ҳокимлигида “Тошиққуввати” ишлаб чиқариш бирлашмаси унитар корхонаси раҳбарияти иштирокида жорий куз-қиш мавсумига тайёргарлик юзасидан олиб борилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.**

Тадбирда мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнида аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш, жумладан, хонадонларда иссиқлик таъминоти ва бошқа маийий кулайликлар яратилишига алоҳида эътибор қаратилаётгани қайд этилди. Пойтахтимизда кенг тармоқли

## Уйлар иссиқ бўлади

марказий иссиқлик таъминоти ишлаб турибди. 9 йирик иссиқлик маркази ва 167 маҳаллий қозонхонада ишлаб чиқарилаётган иссиқлик энергияси иссиқлик тармоқлари каналлари орқали истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

Марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини жорий куз-қиш мавсумига тайёрлаш мақсадида давла иссиқлик марказлари, тармоқлари ва қозонхоналардаги усқуналар ҳолати ўрганиб чиқилган. “Тошиққуввати” ИЧБ унитар корхонаси раҳбари Фарход Ҳамид-

хонанинг айтишича, бугунга қадар шаҳардаги 19 қозонхона капитал таъмирланди, 481 қозонхонада жорий таъмирлаш ишлари яқунланган, эскирган усқуналар алмаштирилди. Эскирган 30 километр қувур янгиланиб, яна 92 километрлик қувурлар изоляция қилинган. Бундан ташқари, 61 насос таъмирланди, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш учун шай ҳолатга келтирилган.

Бундан ташқари, Мирзо Улуғбек туманидаги ТТЗ ва Югнакий даҳаларида 46 янги маҳаллий қозонхона барпо этилди. Шунингдек, жо-

рий йилда тўртта насос станцияси капитал таъмирланди.

Тошкент шаҳридаги кўп хонадонли уй-жойларда яшовчиларнинг иссиқ сувга бўлган эҳтиёжларини қондириш, аҳолининг иссиқлик энергиясидан рационал фойдаланиши, иссиқ сув сарфи хонадон ичи ҳисоблагичларини ўрнатиш бўйича ишлар давом этмоқда.

Матбуот анжуманида эришиляётган ютуқлар билан бир қаторда ечимини кутаётган вазифалар ва уларни ҳал этишга йўналтирилган лойиҳалар хусусида ҳам маълумот берилди.

**Ўз мухбиримиз**

МММда

## Эл саломатлиги йўлида

**Мамлакатимизда эндокринология соҳасида олиб борилаётган ишлар, эришилган ютуқлар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Тадбирда Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази директори Саид Исмоилов ва бошқалар юртимизда Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида изчил амалга оширилаётган ислохотлар инсон манфаатларини муҳофаза қилиш, соғлом ва баркамол авлодни воёга етказиш ҳамда халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда хар йили ноябрь ойда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, аҳолининг тиббий билим ва маданиятини ошириш, тиббий-профилактика ишларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратилиб, фуқаролар тиббий кўриқка кенг жалб этилади. Ёшлар соғлом турмуш тарзи ва жисмоний фаолликка йўналтирилади. Айниқса, қанд касаллигига чалинган болалар ва ўсмирлар алоҳида назоратга олинади. Уларга зарур дори-дармонлар бепул берилиб, самарали тиббий хизмат кўрсатилади.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Ўзбекистон Эндокринологлар ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилган соғломлаштириш ойларида минглаб юртдошларимиз чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Ойлик давомида маданий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, илмий-амалий анжуманлар ҳамда спорт мусобақалари ташкиллаштирилди.

Юртимизда малакали тиббий хизмат кўрсатиш ва таххис қўйишга ихтисослашган 14 эндокринологик диспансер мавжуд бўлиб, уларда 600 дан зиёд эндокринолог шифокор фаолият кўрсатмоқда.

Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг жойлардаги бўлимлари энг замонавий тиббий технологиялар билан жиҳозланган. Марказ қошида ташкил этилган диабет мактабларида хасталикни эрта аниқлаш ва беморларнинг унга қарши курашиш борасидаги билим ва кўникмалари мунтазам бойитиб борилаётир.

Тадбирда эндокринология соҳасини янада такомиллаштиришга йўналтирилган ишлар хусусида маълумот берилди. Журналистларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

## Ҳушёрлик —

## хотиржамлик асоси

қиш фаслида турли фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш барчамизнинг бурчимиз

**Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Миллий матбуот маркази билан ҳамкорликда куз-қиш мавсумида юз бериши мумкин бўлган фавқулодда ҳолатларнинг олдини олишга бағишланган матбуот анжумани ташкил қилди.**

Куз-қиш мавсуми кириб келиши билан аҳолининг табиий газга бўлган эҳтиёжи бирмунча ортиши билан бирга консервланган маҳсулотлар истеъмоли ҳам тобора кўпаяди. Бу эса, ўз навбатида, улар орасида ис газидан ҳамда сифатсиз консерва маҳсулотларидан захарланиш, ҳавога аралашмаси оқибатида ёнғинлар келиб чиқиши ҳолатларига сабаб бўлади. Бунинг олдини олиш, фуқаролар соғлигини муҳофаза қилиш мақсадида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқди.

Жумладан, жорий йилда газ ва иситиш усқуналаридан фойдаланишда йўл қўйилган камчиликлар учун 3,4 мингта яқин объект фаолияти вақтинча тўхтатилиб, 14 миллион сўмдан зиёд жарима солинди, 2 мингта яқин ностандарт ва сертификатга эга бўлмаган иситиш усқуналари йиғиштириб олинди. Шу билан бирга, жойларда профилактика тушунтириш ишлари ўтказилмоқда.

Сифатсиз консерва маҳсулотларидан захарланишнинг оғир шакли — ботулизм. Айнан шундай маҳсулотларда овқатдан захарланишнинг оғир шакли бўлган ботулизм касаллигини келтириб чиқарувчи микроблар кўпаядиган кислотасиз муҳит пайдо бўлади.

— Ботулизмнинг олдини олиш мақсадида барча ўқув муассасаларида, ташкилот ва корхоналарда сўхбатлар, семинар ва маърифий тадбирлар ташкил қилиняпти, — деди Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ходими Қамариддин Боқиев. — Шунингдек, жорий йил бошидан буён тегишли ишчи гуруҳлари деҳқон бозорларида 5,5 мингга яқин рейд ўтказиб, қарийб 4 мингта умумий овқатланиш объектини ўрганиб чиқди. Бунинг самарасида жорий йилнинг ўтган 11 ойда мамлакатимизда ушбу турдаги инфекциядан бирорта ҳам захарланиш ҳолати қайт этилмади.

Матбуот анжуманида журналистларнинг саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

## Олий маълумотли ҳамширалар тайёрланмоқда

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги миллий матбуот марказида ҳамширалик ишини ташкил этишда тўпланган тажриба ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этди.**

Айни пайтда юртимизда 300 минг нафардан зиёд ҳамшира фаолият юритмоқда. Бугун ўрта бўғин тиббиёт мутахассисларини тайёрлаш тизими ҳам тубдан такомиллашмоқда. Айни дамда мамлакатимиз бўйича 78 тиббиёт коллежи фаолият юритаётир. Ушбу таълим масканларида ўқувчиларнинг танлаган касбига бўлган қизиқишини ошириш, мутахассисларни шакллантиришга алоҳида аҳамият қаратилаётир.

Ҳозирга қадар тиббиёт институтларининг “Олий ҳамширалик иши” бўлимларида анестезиология ва реанимация, хирургия, акушерлик ва менежмент йўналишлари бўйича уч минг нафардан зиёд олий маълумотли бакалавр ҳамширалар тайёрланди. 80 нафарга яқин талаба эса магистрлик даражасига эришди. Улар даволаш-профилактика муассасаларида бош, катта ва етакчи ҳамшира, тиббиёт институти ҳамда коллежларда ўқитувчи лавозимида ишламоқда.

— Ҳамшираларнинг малакасини ошириш, уларни ихтисослаштириш ва тизимда замонавий технологиялар имкониятидан кенг фойдаланиш тамойилларини жорий этиш юзасидан изчил иш олиб боришмоқда, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош мутахассиси Рихси Солихўжаева. — “Саломатлик — 3” лойиҳаси бюроси ва Ҳамширалар ассоциациясининг бу борадаги ҳамкорлиги катта самара бермоқда. Ушбу ҳамкорлик доирасида республикамиз бўйлаб бир ярим мингдан ортиқ ўқув-семинарлар ташкил этилиб, беш юз нафардан зиёд маҳаллий тренерлар тайёрланди.

Матбуот анжуманида ҳамширалик ишини ташкил этиш ва ривожлантиришга йўналтирилган тадбирлар хусусида ҳам маълумот берилди.

**Ойдин АЛИМАРДОНОВА,**  
“Milliy tiklanish” мухбири



Бизнинг шарҳ

# Техноген ҳодисалар

уларга техник носозлик, эҳтиётсизлик ҳамда табиий офатлар сабаб бўлмоқда

*Техноген ҳодисалар завод-фабрика, турар-жой бинолари, транспорт воситалари, ГЭС ва АЭСларда келиб чиқадиган, одамларнинг оммавий ҳалокатига сабаб бўладиган ҳодисадир. Бундай ҳалокатлар кутилмаганда юз беради, экология ва жамиятга жиддий зарар етказиши мумкин. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига қараганда, техноген ҳодисалар ҳалокатига энг кўп сабаб бўлувчи офатлар орасида учинчи ўринда туради. Шу боис БМТ 1990-2000 йиллари табиат ҳамда техноген ҳалокатлар етказадиган зарарни камайтириш ўн йиллиги деб эълон қилган эди. Бугун илм-фан ва техника тараққиёти асрида илмий-технологик ҳалокатлар сони тобора ошиб бормоқда, унинг оқибатида ҳаётдан кўз юмаётганлар ҳар йили 6 фоизга кўпаймоқда. Бу урбанизация жараёни, аҳоли сонининг ошиб бораётгани, атроф-муҳитга хавф солиши мумкин бўлган АЭС, ГЭС, кимё заводларининг қурилатгани, иқлим ўзгаришлари, хавфни олдиндан башорат қилиш ва унга қарши курашиш усулларининг мавжуд эмаслиги билан изоҳланади.*

кеаси" сифатида баҳолади. Орадан бир неча ой вақт ўтганига қарамай, Хитой тарихидаги энг йирик техноген ҳодисанинг асл сабаблари ҳали-ҳамон номаълум. Ҳодиса сабабларини тушуниш учун, аввало, Хитойдан шарқ томонда жойлашган минтақаларга назар ташлаш жоиз. Статистик маълумотларга қараганда, 2011-2015 йилларда Индонезия архипелаги ороллари жойлашган минтақада 11 авиаҳалокат содир бўлган. Уларнинг аксарияти профессионал учувчилар бошқарувидаги йўловчи ташиш самолётларига оид. Қарийб беш йил ичида мазкур минтақада 11 самолётнинг ҳалокатга учрагани Хитойда юз берган техноген ҳодиса



билан қандайдир муштараклик борлигидан далolat беради. Маълумки, Тинч океани ҳудудини ҳудди шу ном билан аталувчи 40 километрли "оловли ҳалқа" ўраб туради. Унинг бундай ном билан аталашининг сабаби сайёрамиздаги зилзила ўчоқларининг қарийб 80, вулконларнинг 90 фоизи айна шу минтақада жойлашгани билан боғлиқ. Геофизикларнинг қайд этишича, сўнгги йилларда "оловли ҳалқа" да тектоник жараёнлар фаоллашган. Шу боис Жануби-шарқий Осиё (асосан Индонезия ва Хитой)да 2011-2015 йилларда бошқа минтақаларга нисбатан кўпроқ ер силкинишлари кузатилган.

Ҳўш, мазкур минтақадаги сейсмик фаоллиқнинг сабаблари нимада? Маълумки, Ер шарининг марказида эриган металллардан таркиб топган ядро жойлашган. Бундан аввалроқ геофизиклар ер ядросининг Тинч океанининг гарбий қисмига силжиётганини аниқлаган эди. АҚШнинг Калифорния океанография институти олимлари эса океан остида вулконларнинг фаоллиги ошгани, сувнинг ҳарорати кўтарилгани, ер қобиғи ёриқларида лаванин ҳарорати ошишига сабаб бўлади. Мазкур жараён нафақат Ер юзидagi тектоник ҳолатга, балки магнит майдонига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Шу сабаб, Тинч океанидан қарама-қарши томонда жойлашган Атлантика океанида магнит майдони қаршилиги 10 фоизга камайган. Шу ўринда яна Тяньзинда юз берган ҳодисага қайтамиз. Ўшанда мазкур ҳодисага техник носозлик сабаб бўлгани маълум қилинган эди. Мазкур масалада Тяньзиндаги ҳодиса билан Черно-

## ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

### Қаҳратоннинг "қаҳри"

АҚШнинг Оклахома штати губернатори Мэри Феллин ҳукм сураётган совуқ ҳаво ҳарорати туфайли барча 77 округда фавқулодда ҳолат эълон қилди.



Бу ҳақда "USA Today" портали хабар бермоқда. Яқинда кун қиёқдан дўл ва қор электр узатиш тармоқларига жиддий зарар етказди. Оқибатда 14 киши ҳаётдан кўз юмди, 100 минг турар-жой электр энергиясидан маҳрум бўлди. Шунингдек, Канзас штатидаги 10 минг турар-жой аҳолиси ҳам электр энергиясидан фойдалана олмаяпти.

### Роботлаштирилган либос

Япония соғлиқни сақлаш вазирлиги роботлаштирилган либосларнинг эркин савдосига рухсат берди.

Ушбу либос ҳаракати чекланган инсонлар учун мўлжалланган. Бу ҳақда TASS маълумотида асосланиб, "Mail.ru" хабар бермоқда. Биринчи лицензияни HAL (Hybrid Assistive Limb — гибридли ҳаракат ёрдамчи) роботлаштирилган либосини яратган "Cyberdyne" компанияси қўлга киритди. Қурилма семизликдан, ён амиотрофик склероз, мушак дистрофияси ва орқа мия атрофиясидан азият чекувчи беморлар учун ишлаб чиқарилган.

HAL — асаб тизимидан сигналлар олувчи махсус сенсор билан таъминланган роботлаштирилган либос. У ўзгалар ёрдамига муҳтож кишиларнинг қўл-оёқлари ҳаракатини амалга оширишга қўмаклашади. Шунингдек, унинг ёрдамида оғир юкларни кўтариш, сайёҳат қилиш ва жисмоний ҳаракатларни амалга ошириш мумкин.

### Санта-Клаус вертолёт ўғирлади

Бразилиянинг Сан-Паулу шаҳри полицияси вертолётни ўғирлаб кетган Санта-Клаус кийимидagi одамни қидирмоқда.



Бу ҳақда "Reuters" агентлиги берган маълумотларга асосланиб, "Korrespondent.net" хабар бермоқда. Воқеа куйидагича бўлган: "Санта" вертолётни маҳаллий аэропортдан ижарага олади. Вертолёт осмонга кўтарилганидан сўнг, у учувчига бир қишлоқнинг номини айтиб, ўша ёққа қараб учини буюрган ва ерга қўнғач, ферма ёнида учувчининг қўл-оёғини боғлаб, шу ерда қутиб турган шериги билан номаълум томонга учиб кетган. Бир неча соатдан сўнг, учувчи "Robinson 44" русумли вертолётнинг ўғирланганини тўғрисида полицияга хабар берган. Ушбу русумдаги янги вертолётнинг нархи 400 минг доллар турши маълум қилинмоқда.

Халокатлар эпидемиясини ўрганиш халқаро маркази бир неча ўн йиллардан буён турли халокатларнинг маълумотлар базасини яратиш устида иш олиб боради. Статистика маълумотларига қараганда, техноген ҳодисалар дунё микросида ўтган асрнинг 70-йиллари охиридан бошлаб кескин оша бошлаган. Ана шу офатларнинг аксарияти денгиз, дарё транспортларида юзага келмоқда. Гарчи Европа ва Шимолий Америка давлатларида транспорт тизими ривожлангани ҳамда sanoat қорхоналари сони кўплигига қарамай, асосан, Африка ва Осиё давлатлари аҳолиси техноген ҳодисалардан кўпроқ жабр кўрмоқда.

Дунёдаги энг йирик техноген ҳалокат 1984 йилнинг 3 декабрида Хиндистоннинг Бхопал шаҳрида жойлашган АҚШнинг "Юнион карбайд" компаниясига тегишли кимё заводида юз берган. Техника хавфсизлиги қондаларига риоя қилмасликдан келиб чиққан техноген офат оқибатида уч минг киши ҳодиса юз берган кун, яна 15 минг киши кейинчалик захарланган туфайли ҳаётдан кўз юмган. Ушанда 42 тонна захарли кимёвий модда атмосферага кўтарилган. Шунингдек, дунё аҳоли 1986 йилда Чернобыль АЭСида юз берган йирик техноген ҳалокатни ҳали-ҳамон афсус-надомат билан ёдга олади. 2011 йил 11 мартда Япониянинг шимоли-шарқидagi "Фукусима-1" атом электр станциясида юз берган ҳалокат асримизнинг энг йирик техноген ҳолати сифатида баҳоланди. Ушанда 9 магнитудали зилзила юз бериши оқибатида денгиз суви қирғоқдан тошиб, станциянинг 4 ва 6-реакторларини издан чиқарган эди. Оқибатда совитиш тизими издан чиқиб, бир неча водородли портлаш юзага келган. Йод-131 ва цезий-137 ташланмалари микдор 900 минг терабеккерелни ташкил этди. Бу Чернобыль АЭСи ҳалокати оқибатида юзага келган ташланмалар умумий микдорининг қарийб 20 фоизига тенг. Чернобыль АЭСидаги ҳалокат ту-

файли атроф-муҳитга 5,2 миллион терабеккерел ана шундай захарли моддалар чиқарилган. Экспертлар ҳисоб-китобига қараганда, "Фукусима-1" АЭСида содир бўлган ҳалокат етказган зарар 74 миллиард долларни ташкил қилган. Мутахассислар фикрича, ҳалокат оқибатларини тўлиқ бартараф этиш учун қарийб 40 йил вақт керак бўлади.

Мавриди келганда айтиш жоизки, бошқа табиий ва техноген фалокатлардан фарқли равишда ёнғин келиб чиқишига аксарият ҳолларда табиий газ ва электр жиҳозларидан ноқонуний ва белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилмасдан фойдаланиш, эҳтиётсизлик каби хатти-ҳаракатлар билан инсоннинг ўзи сабабчи бўлади.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида дунёнинг бир неча минтақаларида йирик техноген ҳодисалар содир бўлди. Хусусан, 3 июнь кун Гана пойтахти Аккра шаҳридаги ёниги қуйиш станциясида юз берган портлаш оқибатида 200 дан ортиқ киши ҳалок бўлди. Ишдан чиққан баклардан ёнигининг тўқилиб кетиши ёнғинга сабаб бўлган. Ёнғин туфайли эса 100 дан зиёд маҳаллий аҳоли ҳалок бўлди. 10 август кун мазкур воқеага айбдор шахс ҳибсга олинди. Маълум бўлишича, ёнғинни ўчирилмай ташлаб юборилган папирос қолдиғи келтириб чиқарган.

10 июлда Индонезия пойтахти Жакартада коинот жиҳозлари ишлаб чиқарувчи Япониянинг "Mandom" корпорациясига тегишли фабрикада кучли ёнғин келиб чиқди. Воқеа жойида беш киши, кейинчалик шифохонада яна 20 киши ҳаётдан кўз юмди. 28 июль кун Мисрнинг Кальюбия вилоятига қарашли Эл-Убур шаҳридаги офис мебеллари ишлаб чиқарадиган фабрикада юзага келган ёнғин оқибатида 24 киши ҳалок бўлди, 30 дан ортиқ киши жараҳат олди. Техноген офат газ баллонининг ёниб, сўнгра портлаши оқибатида юзага келган. Оқибатда 1,5 минг квадрат метр ер майдони ёнғиндан зарар кўрди.

Шу йил 12 августда Хитойнинг порт шаҳри Тяньзинда токсик моддалар сақланган омборхонада кетма-кет портлашлар содир бўлди. Экспертлар мазкур ҳодисани "кичик Чернобыль во-



### Рангин дунё

*"Рим Пантеони ташқи ва ички томондан шу даражада салобатлики, у мени лол қолдирди", деган эди машҳур немис ёзувчиси Гёте Пантеон ибодатхонасига баҳо бераркан. Дарҳақиқат, Пьяцца-делла-Ротонда майдонида жойлашган машҳур ишоот Рим шаҳрининг энг машҳур тарихий объектларидан биридир. Қолаверса, мазкур ишоот XIX асрга қадар энг йирик гумбаз эга Европадаги қадимий архитектура намунаси бўлиб келган. Пантеон атамаси эса юнон тилидан олинган бўлиб, "барча маъбудлар ибодатхонаси" деган маънони англатади.*

Пантеон ибодатхонаси ўрнидаги илк ишоотни эрамаздан аввалги 27 йилда Рим маъбудлари шарафига император Октавиан Августнинг куёви Марк Випсаний Агриппа қурдирган. Бироқ эрамаздан 80-йилда ибодатхонада ёнғин содир бўлади. Ҳозирги кўринишдаги Пантеонни эса император Адриан даврида меъмор Аппалдор Дамашкий 118-125 йилларда қурган. Шунга қарамай, ибодатхона пештоқда лотин тилида "Бинони Луцийнинг ўғли, учинчи марта консулликка сайланган Марк Агриппа қурдирган" деган ёзув битилган. Рим империяси барҳам топиши билан Пантеон "маъ-

## Рим "марвариди"

будлар ибодатхонаси" мақомини бой берди. Қолаверса, IV аср охирида Феодосий I ибодатхонага киришни тақиқлаб, уни ёпиб қўяди. Бу пайтда қадимги Рим меъморлари бунёд этган мазкур ибодатхона бузилиб кетишига бир баҳа қолади. Бироқ Византия императори Фока 609 йилда ибодатхонани Рим папаси Бонифацио IVга совға қилади. Шундан сўнг Пантеон "Санта-Мария ад Мартирес" черковига айлантирилди. Император Фоканинг сазй-ҳаракати ҳамда бахтли тасодиф туфайли у бизнинг давримизга қадар яхши сақланиб қолди.


XIV-XVI асрларда Пантеондан мудофаа ишооти ўрнида фойдаланилди. "Уйғониш" даврига келиб, "маъбудлар ибодатхонаси" яна ўз номи билан атала бошланди. XVI асрда муқаддас Пётр ибодатхонаси қурилиши олдиндан машҳур ҳайкалтарош Микеланжело Пантеонга ташриф буюриб, унинг гумбазини обдон ўрганади. Шу билан бирга бу ерда ўз даврининг машҳур мусавир ва меъмори Рафаэль бошчилигида таъмирлаш ва тиклаш ишлари олиб борилди.

Иншоот аънавий юнон-рим ибодатхоналаридан буткул фарқ қилади. Мажмуа темир-бетондан қурилган бўлиб, унинг устига ўрнатилган йирик гумбаз ўша даврда қадимги Рим архитектураси юксак даражада тараққий этганидан далolat беради. Ибодатхона гумбазининг баландлиги 42,7, диаметри 43,3 метр.



Яъни Патеон гумбазининг баландлиги Ватикандаги муқаддас Пётр ибодатхонасидан қарийб бир метр баланд. Кириш томони пештоқли бўлиб, уни 16 коринф устунлар бегаз туради. Бугунги кунга

қадар асл ҳолида сақланиб қолган ибодатхонанинг бронзадан ишланган қўш дарвозасининг баландлиги 7 метр. Ибодатхонада деразалар йўқ. У фақат битта ёруғлик манбаига эга. Бу — гумбаз марказида ибодатхонани ёритиб турувчи туйнук. Унинг диаметри 9 метрга яқин бўлиб, "Пантеон кўзи" деб аталади. Бу ердан пастга ёруғлик тушиб туради. Туйнук хонани ёритиш билан бирга ибодатхона ичига тантанаворлик ва ҳашамдорлик бахш этади. "Осмон дарчиси" анчагина кенг бўлса-да, ичкарига дярли ёмиғир суви тушмайди. Бу бинонинг аниқ муҳандислик ҳисоб-китоблари асосида қурилгани билан изоҳланади. Бир пайтлар кун давомида туйнукдан тушган ёруғлик биринкетин ибодатхона ичига ўрнатилган Куёш, Ой, Венера, Сатурн, Юпитер, Меркурий ва Марс каби Рим маъбудлари ҳайкалчаларини ёритиб турган. Қолаверса, ўша даврларда хона ўртасида маъбудлар шарафига ҳайвонлар ёқилиб қурбонлик келтирилган. Тутун эса ана шу туйнук орқали ташқарига чиқиб кетган. Гумбаз ости юзасида тўртбурчак шаклда ишланган ҳову-



зақлар юқорига қараб кичрайиб боради. Бу томошабинда гумбаз ости кенглиги катта ва чексиздек тасаввур уйғотади. Ибодатхонанинг полига мраммар ётқизилган. Деворидаги тоқчаларда қадимда римликлар сиғинган маъбудларнинг ҳайкалчалари қўйилган. Пантеон бир вақтнинг ўзида икки минг кишини ўз бағрига сиғдира олади. Бу ерда Рафаэль Санти, қирол Виктор Эммануел II ва Умберто I каби машҳур инсонлар дафн этилган.

Пантеон Римнинг бир қатор тарихий обидалари қаторида ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси рўйхатида киритилган.

Тиббий маданият — саломатлик гарови

Грипп ўткир ва тез юқадиган касаллик бўлиб, уни жуда майда, кўзга кўринмайдиган, ҳатто филтёрдан ҳам ўтиб кетадиган вируслар келтириб чиқаради. Касаллик келтириб чиқарадиган бу вирусларнинг А, В, С турлари маълум. Хасталикнинг асосий манбаи грипп билан оғриган бемор ёки вирус ташувчилар ҳисобланади.

Касалликнинг энгил тури билан оғриган беморлар ва вирус ташувчилар атрофдаги соғлом кишилар учун хавф тугдиради. Чунки, улар грипп билан оғриб турган бўлишига қарамай, соғлом кишилар орасида бўлади.



Хасталик ҳавотомчи йўли билан ўтади. Бемор йўталганда, аксирганда, гаплашганда сўлак томчилари билан ҳавога кўпгаб грип вирусларини тарқатади. Вируслар ҳавода уч соат сақланиб туриши мумкин. Грипп вирусининг ҳаводан нафас олиниши билан оғриган беморлар ва вирус ташувчилар атрофдаги соғлом кишилар учун хавф тугдиради.

Касалликнинг энгил тури билан оғриган беморлар ва вирус ташувчилар атрофдаги соғлом кишилар учун хавф тугдиради. Чунки, улар грипп билан оғриб турган бўлишига қарамай, соғлом кишилар орасида бўлади. Хасталик ҳавотомчи йўли билан ўтади. Бемор йўталганда, аксирганда, гаплашганда сўлак томчилари билан ҳавога кўпгаб грип вирусларини тарқатади. Вируслар ҳавода уч соат сақланиб туриши мумкин. Грипп вирусининг ҳаводан нафас олиниши билан оғриган беморлар ва вирус ташувчилар атрофдаги соғлом кишилар учун хавф тугдиради.

Гриппдан сақланиш учун агар бемор уйда бўлса, унга алоҳида хона ажратиш керак бўлади. Беморга қараб турадиган одамларга касалликнинг олдини олиш йўллари ўргатиш лозим. Хасталанган одамнинг идиш-товоғи, сочиғи, ўрин-кўрпаси алоҳида бўлиши шарт. Бетоб одам кам ҳаракат қилиб, кўпроқ ётиши лозим. Оила аъзолари беморни парварши қилаётганда бурун ва оғзига дока ниқоб тутиб олишлари, кўрларини тез-тез совутиб ювиб туришлари керак. Бемор йўталганда, акса урганда оғиз-бурнини дастурмол билан берkitиши, иложи бўлса, уни ҳар сафар янгисига алмаштириш ёхуд тез-тез ювиб, дазмоллаш лозим. Беморнинг ҳарорати ошганда кўпроқ суюқлик — қоқилардан тайёрланган компот, мева ва сабзавотларнинг шарбатларидан ичиб туриш лозим. Шунингдек, бемор энгил ҳазм бўладиган, оқсил ва витаминларга бой таомлар истеъмол қилиши зарур. Грипп билан оғриган беморларни алоҳида хоналарга ётқизиш ва уларни тез-тез шамоллатиб туриш ҳамда совули сув ёки зарарсизлантирувчи моддалар билан пол, эшик ва деразаларни артиш керак. Грипп эпидемияси авж олган пайтларда мактабга таълим муассасалари, мактабларда мураббий ва тарбияланувчилар, ўқитувчилар ҳамда ўқувчилар дока ниқоб тутиб олишлари шарт.

БИЛАСИЗМИ?

- Сайёрамиздаги энг чапогон ҳайвон — гепард: ўлжасини қувиб етиш учун соатига 120 километр тезлик билан югура олади.
- Сувда яшовчи дунёдаги энг йирик сүтэмизувчи ҳайвон — кўк кит. Унинг узунлиги 33 метрга етади. Қуруқликда эса Африка филларига етадигани йўқ: бўйи — 4 метр, вазни 12 тоннагача бўлиши мумкин.

ТУРФА ОЛАМ

“Қисқичбақа” автомобиль

Бремендаги “DFKI” робот техникаси маркази муҳандислари ярим автоматлаштирилган “EOssc2 Crab” микроавтомобилини ишлаб чиқарди.

Автомобилнинг ўзига хос томони, кузовининг энгизлиги, замонавий автоматика тизимига эгалиги боис, тор жойда ҳам бемалол жойлаша олишида. Унинг ҳаракатланиш алгоритми денгиз қисқичбақаларига асосланган бўлиб, ёнлама-часига ҳам юра олади. “Қисқичбақа”-автомобиль мурракб ҳаракатларни компьютер ҳамда авто-навигация тизими воситасида бажаради. У тўғрига ҳаракатланиши, ҳажмини кичрайтирган ҳолда ўз жойида бурилиши, олдинга эгилиши мумкин. Микроавтомобилни бошқа ҳудди шундай автоуловлар билан бирлаштириб автопоезд ясава бўлади. Камера ҳамда “LIDAR” ҳисоблагичлар билан жиҳозланган автомобиль соатига 65 километр тезлик билан ҳаракатлана олади. Лойиҳа муаллифлари келгусида машинанинг қўл бошқарувига умуман эҳтиёж сезмайдиган моделларини ишлаб чиқаришни режалаштирган.



Уч гилдиракли скутер

АҚШнинг “Trikke Tech” компанияси 15 йилдан буён уч гилдиракли скутер ишлаб чиқаради. “Trikke Freedom” электроскутери компаниянинг сўнгги лойиҳаларидан бири бўлиб, шаҳар кўчаларида ҳаракатланишга мўлжалланган.

Унда одатий скутерлардан фаркли равишда иккала оёқда ҳаракатланиш имконияти мавжуд. Қолаверса, бурилишларда энгил ҳаракатлана олади. “Trikke Freedom” 400 ваттлик электродвигатель, 36 вольт литий-ионли аккумулятор билан жиҳозланган. Электроскутер соатига 24 километр тезлик билан ҳаракатланиш имкониятига эга. Бир марта қувватлантирилгандан сўнг, унда 18 километр йўл босиш мумкин. Компания мазкур скутерда ҳаракатланиш борасида тажрибаси бўлмаган ҳайдовчиларга машғулотлар ўтиши йўлга қўйди. Скутер 999 АҚШ долларига баҳоланмоқда.

Ш.ФАФФОРОВ тайёрлади.

“Ўзбекистондек мамлакатда туғилиб, камолга етиш — катта бахт”

дейди Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти Барно ИСМАТУЛЛАЕВА



Айниқса, бошқа тилда опера куйлаш тинимсиз меҳнат ва изланишни талаб этади. Барно коллежнинг иккинчи курсига ўтганида опера билан жиддий шуғуллана бошлади: жаҳон классик опера асарларини қолдирмай тинглади ва куйлашни машқ қилди. Ҳар куни эрталабдан коллежга келар, дарс бошлангунга қадар куйларди. Коллежда эса бунинг учун барча шароит муҳайё эди. Қизиқиш ва тинимсиз меҳнат туфайли Ўзбекистон давлат консерваториясига қабул қилинди. Олийғоҳда ўқиш билан бирга инглиз, испан, француз тилини мукамал ўрганишга киришди. Зеро, бу профессионал опера солисти учун жуда муҳим оми.

У биринчи курсдаёқ бир неча халқаро

ро танловларда муваффақият қозонди. 2010 йилда эса Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган “Ниҳол” мукофоти совриндори бўлди.

— Юртимизда ҳар бир истеъдод соҳибига алоҳида эътибор кўрсатилмоқда. “Ниҳол” мукофоти республика кўрик-танловида ғолиб бўлганимдан гоят мамнунман, — дейди хонанда ўша пайтларни эслар экан...

Дарҳақиқат, юртимизда санъатни ривожлантириш, ёш иқтидорларни аниқлаш, уларга ҳар томонлама қўмаклашиш ва ижодини рағбатлантириш, ўсиб келаётган авлод ўртасида миллий ва жаҳон маданий меросини оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Тошкент баҳори”, “Ёшлик парвози”, “Баҳор симфонияси”, “Competizione dell’Opera” каби кўрик танловлар, ижодий фестиваллар мунтазам ташкил этилаётгани ёш авлоднинг мусликий маданиятини бойитиш, дунёқарашини ўстиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётди.

2012 йил ёш опера хонандаси учун омадли келди. У Ўзбекистон давлат консерваториясининг катта залида ўзининг илк яккахон концертини тақдим этди.

2014 йилнинг ноябрь ойида Тошкентда “Competizione dell’Opera” опера ижрочиларининг XIV халқаро танлови бўлиб ўтди. Унда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри хонандаси Барно Исматуллаева биринчи ўринга сазовор бўлди.

— Танловда биринчи ўринни эгаллаганим эълон қилинганда Ўзбекистондек мамлакатда туғилиб, камолга етаним нақадар катта бахт эканини чин дилдан ҳис қилдим. Чунки мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама кўллаб-қувватланаётгани, Президентимизнинг мусиқа санъати, маданият ва санъат ривожига алоҳида эътибор қаратаётгани туфайли шундай нуфузли танловда ғолибликни кўлга киритишга муваффақ бўлдим. Комил ишонч билан айта оламизки, жонажон Ватанимизда ёшларнинг ижодий салоҳияти ва қобилиятини рўёбга чиқариш учун зарур барча шароит яратилгани қалбимизга фахр ва ғурур, катта масъулият, билдирилган ишонччи оқлашга руҳлантиради, — дейди ёш хонанда.

Шу ўринда алоҳида қайд этиш жоизки, Ўзбекистон “Миллий тиклаш” демократик партияси ҳам нафақат миллий, балки жаҳон мусиқа санъати йўналишларини чуқур ўрганиш ва ютуқларини ўзлаштириш тарафдори. Бу — бежиз эмас. Чунки мусиқа ва санъат инсон онги ва қалбида чуқур акс-садо бериб, уни олижаноб мақсадлар сари илҳомлантирадиган, эзгуликка даъват этадиган қудратли кучдир. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, мусиқа санъатисиз руҳий камолотга эришиб бўлмайди. У инсонни маънавий покликка, эзгуликка даъват этади, тингловчини борлик, ҳаётнинг мазмун-моҳиятини англаб етиш каби чуқур фалсафий мушоҳадага ундайди.

Бугун Барно сингари юртимиз довергани бутун дунёга таратаётган иқтидорли, изланувчан ёшларимиз талай. Улар истиқлол берган имконият ва шароитлардан самарали фойдаланиб, юксак марраларни забт этишаётди. Бу бежиз эмас. Зеро, бу юрт — чин иқтидорлар ва истеъдодлар маконидир.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,  
“Milliy tiklanish” мухбири

Миллий ғурур

Мамлакатимизда ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг эркин ва самарали ижод қилиши учун кенг имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш, улар фаолиятини тизимли равишда кенг тарғиб этиш, ижодкор ёшларни кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Бугун биз ҳикоя қилаётган Барно Исматуллаева эришган ютуқ ва муваффақиятлар ёшларга бўлган ана шундай эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин самараси ва намунасидир.

“Ниҳол” мукофоти совриндори, қатор халқаро танловлар ғолиби, Ўзбек опера санъатининг умидли вақилларидан бири Барно Исматуллаева чинакам маънода мустақиллик фарзанди.

— Дадам ўз армон ва орзулари ижобатини менда кўрмоқчи бўлди шекилли, — дейди Барно. — Чунки у киши ҳам бир пайтлар санъаткор бўлишни ният қилган, бироқ ҳозиргидай шароит ва имкониятлар бўлмагани сабабли орзуси амалга ошмай армонга айланиб қолган. Болалигимда телевизорда опера солистлари концертини кўрсам, бутун вужудим қулоққа айланар эди. Опера юрагимга шу қадар яқин эдики, бу санъат мен учун мўъжиза бўлиб туоларди. Дадам мендаги бу қизиқишни кўриб, орзумга эришишим учун далда, келажгимни опера санъати билан боғлашим учун яқин кўмакчи бўлди.

**Барча юртдошларимизни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллиги билан муборакбод этган ҳолда қуйидаги банк хизматини таклиф қиламиз:**

“Агробанк” ҳамда Click компанияси ҳамкорлигида жорий этилган “Мобил савдо” тизими орқали уяли телефонингиздан маҳсулот ва хизматлар учун тўловларни содда ва тез амалга ошириш хизматидан фойдаланинг.

CLICK  
**mobilsavdo**  
sodda va tez to'lov  
AGROBANK

Мобил савдо белгиси мавжуд жойларда тўловни амалга оширишингиз мумкин.

www.agrobank.uz

Хизматлар лицензияланган

VATAN TUVG'USI HAR NARSADAN USTUN

MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ХОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТUVЧИ» АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**ТАХРИР ХАЙЪАТИ:** Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Сувон НАҲБИДДИНОВ, Мухаммаджон ҚУРОНОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Акмал САИДОВ, Жалолиддин САФОЕВ, Рустам ҚОСИМОВ, Исмат ХУДОЕВОВ, Эркин ДОРИПОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

**Бosh муҳаррир:** Бехзод НОРБОВ

**ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темуր кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

**ТЕЛЕФОНЛАР:** (0-371) Кабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия хавти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73. Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Корхона манзили: «Буюк Турун» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг chorshanba кuni чиқади.

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Буюртма — Г 1225, Адади — 5329. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.

**Навбатчи муҳаррир:** Умида УЗОҚОВА

**Навбатчи:** Ҳасан САЛОМОВ

**Саҳифаловчи:** Илҳом ЖУМАНОВ

**Электрон почта:** e-mail: m.tiklanish@mail.ru

Босишга топшириш вақти — 21.30.

Тоширилди — 23.50.

ЎзА якуни — 20.40.

ISSN 2010-7714

9 772010 771003 1 2 3 4 5